O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY... INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 2 февраль, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 9 (7412)

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ЯНА ҒОЛИБ

Маълумки, шу кунларда умумтаълим мактаблари ўқувчилари билим салоҳиятини ошириш мақсадида ўтказилиб келинадиган умумтаълим фан олимпиадалари баҳслари қизғин паллага кирди. Бу борада иқтидорли ўғил-қизларимизнинг аввал туман, вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этиб, ҳатто халқаро миқёсдаги билимлар беллашувларида ҳам ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишлари барчага бирдек ғурур бағишламоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, жорий йилнинг 8-15 январь кунлари Москва шаҳрида рус тили фани бўйича бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида ўзбекистонлик 10 нафар ўқувчиларимиз МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ўқувчилари билан бир қаторда ўз билимларини яна бир чиғириқдан ўтказишди. 14 давлатдан 101 нафар ўқувчи иштирок этган фан олимпиадалари муросасиз баҳслар билан ўтди.

Faxr

Олимпиадада ўқувчиларнинг рус тили фани бўйича олган билимлари уч шарт орқали баҳоланди. Яъни, ўқувчилар биринчи ва иккинчи шартларга кўра, тест ва ёзма ишлар орқали рус тили грамматикаси, фонетика ва лексикасини қай даражада ўзлаштирганликлари аниқланган бўлса, ижодий топшириқлар орқали эса ўқувчининг сўзлашув маданияти текширилди.

Шуниси эътиборлики, беллашувлар якунига кўра халқаро олимпиаданинг мутлақ ғолиблигини қўлга киритган 6 нафар ўқувчилардан икки нафари—О.Турсинбоев ва О.Беларуссовалар юртдошларимиздир. Бундан ташқари, ўқувчиларимизнинг қолганлари ҳам диплом ва турли номинацияда ўтказилган ижодий танловлар совриндорлари бўлишди. «Ёш шоира» танловида асосий уч совриндор қаторида Луиза Миндуллина ҳамда ушбу танловнинг махсус совринларига Нина Грановская амалий топшириқларини бажаришда бадиий воситалардан унумли фойдаланганликлари учун, О.Турсинбоев эса рус классикасига ўзгача муносабатдалиги билан, «Ёш нотиқ» танловида эса махсус совринларга Надежда Шоркина қисқа ва лўнда жавоблари учун, «Энг яхши китобхон» танловида Комила Муҳаммедхонова рус классикаси билан яқинлиги учун, шунингдек, «Равон услуби» танловида биринчи ва учинчи ўринларга Елена Куценко ҳамда Нина Грановскаялар лойиқ топилди. «Пушкин тили билимдони» танловида эса

(Давоми 2-бетда)

ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чикди.

ҚАРОР

"Афғонистон ҳудудига тижорат юкларини транспортда ташишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарор қабул қилди.

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

ТАШРИФ

Афғонистон Ислом Давлати муваққат маъмурияти раҳбарининг ўринбосари, режалаштириш вазири Ҳожи Муҳаммад Муҳаққиқ бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб, республикамиз Вазирлар Маҳкамасида, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш вазирликларида, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида учрашувлар, музокаралар олиб борди.

ҚАРОР ҚЎЛ КЕЛАДИ
2-БЕТ

«БАРАКАЛЛА, АҚЛИНГГА БАЛЛИ, БОЛАМ»
дея ўқитувчи ўз ўқувчиларини рағбатлантиради
3-БЕТ

«Ma'rifat» танлови
ЯНВАРЬ ОЙИ ҒОЛИБЛАРИ
3-БЕТ

ЎҚИТУВЧИ БОҒ ЯРАТДИ
боғдан келган даромадга эса болалар боғчаси қуриб бермоқчи
4-БЕТ

Леонид ЛЕВИТИН:
«ЎҚИТУВЧИЛАРГА ШОГИРДЛАР КАМОЛИНИ КЎРИШ НАСИБ ЭТСИН»
5-БЕТ

ДАҲОЛАРИ БОР ХАЛҚ ЕНГИЛМАСДИР
Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган адабий кеча сценарийси
6-БЕТ

ТАЪЛИМ МОНИТОРИНГИГА КЎМАКЧИ
7-БЕТ

АЁЛ БАХШИЛАР ҲАМ БЎЛАДИ(МИ?)
12-БЕТ

ТЕЛЕДАСТУРЛАР
ЎзTV I,
«Ёшлар» телеканали,
ЎзTV III
«Тошкент» телеканали,
ЎзTV IV
«Халқаро» телеканал
14-БЕТ

ФАРҒОНА БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК КЎРАЯПТИ
15-БЕТ

КУЛГАН КИШИ «ТУХУМ» ЮТАДИ
16-БЕТ

ҚАРОР ҚЎЛ КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" чиқарган қарори аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида муҳим қадам бўлди.

Зеро, бу эътибор жорий—"Қарияларни қадрлаш йили" билан ҳамоҳанг тарзда бўлиб, жумладан, янги ўқув йилидан бошлаб нафақат бошланғич, балки юқори синфларда ҳам кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул кийим-бош ва ўқув дарсликлари берилиши ота-оналаримизга катта ёрдам берадиган бўлди. Бундан ташқари, қишлоқ жойларидаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари кутубхоналарининг ўнтагача турдаги газета ва журналларга бюджет маблағлари ҳисобига обуна қилинишлари ўқитувчи ва ўқувчиларимизнинг маҳаллий ва хорижда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, ахборотлар билан хабардор бўлишларини янада тўлароқ таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг маънавий билимлари ҳам кенгроқ шаклланишига хизмат қилади.

Жумладан, бизнинг Учкўприк туманидаги 9-ўрта мактабимиз ҳам бу йил "Маърифат", "Халқ сўзи", "Учитель Узбекистана" каби газеталарга обуна бўлган эса-да, лекин журналлар масаласини ҳал этолганимизча йўқ эди. Аммо, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори бу борада жуда қўл келадиган бўлди. Ўз навбатида бизнинг педагогик жамоамиз бундай эътибордан катта куч олиб, ёш авлод тарбиясини юксак даражага етказиш ҳамда уларнинг баркамол, етук инсонлар бўлиб етишишлари учун астойдил ҳаракат қилади, дея ишонтира оламан.

Рустам НИЗОМОВ,
Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 9-ўрта мактаб директори

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ЯНА ҒОЛИБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

О.Турсинбоев яна ғолибликни қўлга киритди. «Топшириқларга ижодий ёндошиш» танловида Нина Грановская, «Рус ибораларига ўзгача муҳаббати учун» Ольга Белоруссова, «Намунали нутқи учун» Мария Репиналар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

Куни кеча Ўзбекистон республикаси Халқ таълими вазирлигида совриндор ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчилари муносиб тақдирландилар. Уларга имтиёзли диплом ва қимматбаҳо совғаларни республика халқ таълими вазири Р.Жўраев тантанали равишда топширди ва ўқувчиларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида эришаётган ютуқлари билан қутлади.

—Ўқувчиларимизнинг бундай юқори натижаларга эришишларида, — дейди вазир,—албатта, тажрибали ва изланувчан ўқитувчиларимизнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки шогирд муваффақияти устознинг тинимсиз меҳнати самараси десак, янглишмаймиз.

Олий мажлис депутати, Ўзбекистондаги рус маданияти маркази раиси С.Зинин ҳам сўзга чиқиб, ғолиб ўқувчи ва ўқитувчиларни эришган ютуқлари билан табриклади ва ўз сўзида ўзбекистонлик ўқувчиларнинг энг кучли жамоалар сафидан жой олишлари осон кечмаганлигига алоҳида тўхталди.

—Бироқ,—деди нотиқ ўз сўзини давом эттириб,—ўқувчиларимизнинг ютуқларида ўз юрти шарафини муносиб ҳимоя қилишга бўлган иштиёқ устун келиб, ғолиблик шоҳсупасидан жой эгаллашди.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидланганидек, ўқувчиларимиз муваффақиятида ўқитувчилар меҳнатини эътироф этмоқ лозим. Шу боисдан ҳам ўша куни ўқувчиларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаган ўқитувчилар ҳам тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонларининг тақдим этилиши уларнинг меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди.

Тантаналар якунида ғолиб ўқувчиларга ҳам сўз берилиб, ёшлар ўз ютуқларида елкадош бўлган ўқитувчилари ва уларнинг келажакда комил инсон бўлиб воя га етишлари йўлида ҳукуматимиз томонидан берилаётган эътиборга миннатдорчилик билдирдилар. Ўз ўрнида ўзларига юкланган—юрт мустақиллигини мустаҳкамлашдек вазифани шараф билан уддалашларига сўз бердилар.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Суратларда: ўқувчиларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Munosabat

ШУКРОНАЛИК БИЛАН ЯШАШИМИЗ КЕРАК

Тўртта фарзандим бор. Биз, эру хотиннинг ишлаб топган пулимиз эса болаларимизни каму кўстсиз улғайтириб, ўқитишимиз учун бироз етмаётган эди. Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" чиқарган қарори бизга анча ёрдам берадиган бўлди. Эндиликда фарзандларимга бепул кийим-бош ва дарсликлар берилиши ҳисобига орттирадиган пулларимни уларни уйлаб-жойлаш учун сарфлайман.

Ён қўшнимиз Афғонистонда энди-энди уруш тўхтаётган, одамлари қийинчилик билан кун кечираётган бир пайтда, бизнинг мамлакатимизда осойишталик ҳукмрон. Шу сабаб, барчамиз эртанги кун ташвиши, орзу-умидлари билан яшаяпмиз. Давлатимизнинг биз каби оилаларга алоҳида эътибор бериши эса, Ватанимизга, ҳукуматимизга бўлган ишончимизни мустаҳкамламоқда.

Н. БОЗОРОВА,
Сирдарё вилояти Оқолтин тумани

Seminar

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ойбек номидаги 14-мактабда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш ва янги педагогик технологияни дарсларда қўллаш юзасидан туман семинари бўлиб ўтди. Семинарда мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Д.Бердиқулова замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, янги педагогик технология асосида қизиқарли ҳамда баҳс-мунозарали очиқ дарс ўтди.

Сўнгра Зангиота туман ХТБ назоратчиси Н.Дўсканаева янги педагогик технология тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Синов мақсадида семинарга йиғилган ўқитувчиларни 6 та гуруҳга ажратиб, уларга тест топшириқларини берди. Тест топшириқларини бажариш учун 10 минут вақт берилиб, ҳар бир гуруҳнинг жавоблари тингланди. Тест топшириқлари эса қуйидагича босқичлардан иборат бўлди: муаммо — бунда мактаблардаги мавжуд камчиликлар, мақсад — муаммоларни бартараф қилиб, етук кадрларни вояга етказиш, маблағ — ўқув хоналарини энг охирги моделдаги компьютерлар, видеомагнитофон, техника воситалари, тарқатма материаллар билан таъминлаш, режа — кадрлар билан таъминлаш, фан кабинетларини керакли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ҳар ойда бир марта гуруҳларда ўқув-тарбия ишларини ва ўқувчиларнинг доимий баҳоларини назорат қилиб бориш, амалиёт — ўқувчиларнинг туман, вилоят, республика миқёсида турли фан олимпиадаларида қатнашишларига эришиш, мактабда "Заковат", "Қувноқлар ва зукколар" танловларини ўтказиш, баҳо — ижобий натижаларни қўлга киритиш. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабларда кичик академия ташкил этиш муаммосини кўтарган 3-гуруҳнинг жавоблари иштирокчилар томонидан кўпроқ маъқулланди. Бўлиб ўтган семинарда барча иштирокчилар ўзларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА

МИЛЛИЙ ОНГ ТАКОМИЛИ ЙЎЛИДА

Вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласини ёшлар онгига сингдириш, ўқитувчи ва мураббийларнинг бу соҳадаги билим ва малакаларини оширишга жуда катта эътибор берилмоқда. Бу ерда мазкур рисола бўйича доимий ҳаракатдаги семинарлар ўтказилиб, уларга маънавият ва маърифатга алоқадор кўплаб мутахассислар, фан ва маданият арбоблари таклиф қилинмоқда.

Яқинда институт базасида яна икки кунлик ўқув семинарлари бўлиб ўтди. Унда мактабгача таълим муассасалари ходимлари, бошланғич синфларнинг "Одобнома" фани ўқитувчилари, УЎТ мактабларининг 5—9-синфларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанидан дарс берувчи педагоглар, шаҳар ва туман методика кабинети мудирлари ва услубчилари қатнашиб, малакасини оширишди.

"Ғоя ва мафкуралар тарихи", "Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш", "Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар", "Миллий истиқлол мафкураси, унинг тамойиллари ва асосий ғоялари" мавзуларида ўқилган маърузалар ва ўтказилган амалий машғулотлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотиб, уларни қизғин мунозарага чорлади.

Б.МАҲМУДОВ,
Хоразм вилояти

«БАРАКАЛЛА, АҚЛИНГГА БАЛЛИ, БОЛАМ»

дея ўқитувчи ўз ўқувчиларини рағбатлантиради

Ўқитувчи маҳорати дарсда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, мурғак қалб тафаккурига эзгулик уруғини қадаш, унда ўтилаётган фанга нисбатан ҳавас, қизиқиш уйғота билиш муаллимдан улкан масъулият, билим ва тажриба талаб қилади. Демак, ўқувчи дунёқараши, фанларни қай даражада ўзлаштириши муаллимнинг изланувчанлиги, ижодкорлиги самараси десак, хато қилмаган бўламиз.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 178-мактабда мана бир неча йилдирки, илм ўчоғига илк бора қадам қўйган ўқувчиларга сабоқ бериб келаётган бошланғич синф ўқитувчиси Муқаддас Отажонова ушбу талабни дилдан ҳис қилган ҳолда ёшларга таълим-тарбия бериб келаётир. Дарсни ижод билган ўқитувчининг машғулотларини кузатар эканмиз, у кишидан сабоқ олаётган 2-"З" синф ўқувчиларининг барчаси бирдек дарсларда фаоллиги билан эътиборимизни тортди. Хўш, ўқитувчи ўқувчиларни фаоллаштиришда қандай дарс ўтиш усулларидан фойдаланмоқда? Мурғак қалбда ўзига ишонч, ўз мустақил фикрига эга бўлишларида, уларни баҳс-мунозараларга чорлашда нималарга кўпроқ эътибор бермоқда? Ушбу саволларимизга муаллиманинг она тили фанидан "Нарса ва шахс номини билдирадиган сўзлар" мавзусидаги ўтган очиқ дарсида тўлиқ жавоб олдик.

1. Таълимий мақсад: Ўқувчиларга янги мавзу бўйича янгиликлар ва билимларни бериш.

2. Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда она тилига бўлган қизиқишни кучайтириш, нутқ маданиятини ошириш ва сўзлардан фойдаланишга оқилона ёндашишни ўргатиш.

3. Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларнинг тест саволларига жавоб бериш кўникмаларини шакллантириш.

Ўқувчилар билан саломлашилгандан сўнг дарс бошланди. Ўқитувчи дарс режасига кўра аввал ташкилий қисм, яъни ўқувчиларни янги дарсга тайёрлаш тадбирини ўтказди. Шундан сўнг ўтилган мавзу юзасидан берилган уйга вазифа текширилиб, ўқувчиларнинг топшириқни қай даражада бажарганликларига қараб баллар қўйилди ва изоҳланди. Хатога йўл қўйган ўқувчиларга мавзу бўйича қайта тушунчалар берилди.

Муаллима, биз ўтган дарсда инсонларнинг ўзаро мулоқотларида асосий ўрин тутадиган сўз ҳақидаги мавзуни ўтган эдик, дея мавзуга доир "Сўзлар нимани билдиради?", "Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг" каби саволлар билан мурожаат қилиб, жавоблар олгач, уларга изоҳ берар экан, сўзлар нарса ва шахс номини, белгисини, ҳаракат ва саноғини билдиришини алоҳида таъкидлади. Оғзаки мисоллар, турли кўргазмали қуроллар ва синфхонада мавжуд ўқув жиҳозлари ёрдамида саволларга жавоб ахтарилганлиги ўқувчиларда қизиқиш ва фаоллик уйғотди. Зеро, ҳар қандай мавзу фақат илмий тилдагина эмас, балки ўқувчи ҳар куни дуч келадиган, учратадиган воситалар орқали, кўргазмали қуроллар ёрдамида содда тушунтириб борилса, ёш бола хотирасида умрбод муҳрланиб қолади.

Шундан сўнг янги мавзу баёни бошланди.

Мавзу: Нарса ва шахс номини билдирадиган сўзлар

Режа:

1.Нарса (предмет) номини билдирадиган сўзлар қандай сўроққа жавоб бўлади?

2. Шахсни билдирувчи сўзларга қандай савол берилади?

3. Нарса ва шахс номлари кўпликда келганда саволларга қандай қўшимчалар қўшилади?

Юқоридаги режада келтирилган саволларга ўқитувчи қиш фаслида табиатнинг қўйнида ўйнаётган бир гала болалар тасвири туширилган суратдан фойдаланиб, ўқувчиларни "Суратда нималарни ва қандай жараённи кўраяпсизлар?", "Расмда қайси фасл тасвирланган?", "Болалар қандай кийимда?" каби саволлар билан жавоб излашга, фикрлашга ундади. Муаллима томонидан олдинги соатда "Ўқиш" фанидан ўтилган мавзунинг она тили дарси билан уйғунлаштирилиши ўқувчига мавзуни такрорлаш имконини берган бўлса, янгисининг эса тезроқ ўзлаштирилишини таъминлади.

Bir soatlik dars

Бундан ташқари, суратга қараб ўқувчиларнинг тасвирланган ҳолатни оғзаки нутқда баён этишлари уларда она тили фанига қўйилган ДТС талабларидан бири, оғзаки нутқни ривожлантиришга хизмат қилган бўлса, суратда тасвирланган "ким?" ёки "нима?" сўроғига жавоб бўлувчи сўзларни устунларга бўлиб ёзилишининг топшириқ қилиб берилиши ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини оширишларига туртки бўлди.

Дарсда ўғил-қизлар толиқиб қолмасликлари учун дам олиш дақиқаси ташкил этилиб, унда ўқувчилар томонидан қуйидаги шеърий топишмоқларнинг турли жисмоний ҳаракатлар билан қўшиқ қилиб куйланиши аҳамиятлидир:

Узун оёқ, узун томоқ,
Кўлда сузар,
кўкда учар,
Келганда ёз қилар
парвоз.
Нима у демак?
Бу-чи, каттакон,
Чиройли лайлак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, дарснинг навбатдаги қисмларида ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида ўқувчилар томонидан дарсликда берилган машқлар бажарилиб, мавзуга доир шеърлар ўқилди. Дарс якунида эса ўқувчиларнинг мавзуни қанчалик ўзлаштирганликларини билиш мақсадида ўқитувчи томонидан ўтказилган савол-жавоблар, берилган тест топшириқлари уларни мулоқотга чорлади. Синфда бир неча дақиқалик эркин фикрлаш ва уни ҳимоялаш жараёни кечди.

Асосийси, ўқитувчи дарс давомида фаол иштирок этган ўқувчиларни рағбатлантиришга алоҳида урғу бериб, "Баракалла, ақлингга балли, болам!" каби сўзлари билан сийлаб, бошларини меҳрибонлик билан силаб қўйиши мурғак қалбларни тўлқинлантириб, янада фаоллашишга даъват этиб турди, десак муболаға бўлмайди. Муҳими, дарс якунида энг фаол иштирок этган, фақат биргина ўқувчига тақдим этиладиган "5" баҳо эълон қилинди. Ушбу мукофотнинг ўқувчилар олқиши билан олдинги дарснинг совриндори бўлган ўқувчи томонидан топширилиши эса ўқувчиларни доимо изланишга, ўқиб-ўрганишга чорлаб туради.

— Ўтган дарсда, — дейди биз билан суҳбатда М.Отажонова, — ўқиш тезлиги бўйича ғолибликни қўлга киритган ўқувчимиз Шавкат Шерзод берилган матндан бир дақиқада 77 та сўзни ўқиб, ўша "5" баҳо билан тақдирланган эди. Бугунги дарсимизда эса ўзининг чиройли ҳуснихати билан Феруза Пўлатова ушбу соврин соҳибасига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни бир жиҳатига жалб этишни хоҳлардим. Маълумки, она тили фанидан 2-синф ўқувчиси давлат таълим стандартларига кўра нотаниш матнни ўқиш тезлиги ўқув йилининг биринчи ярмида бир дақиқада 30-35 сўзни ташкил этмоғи, иккинчи ярим йиллигида эса ўқувчининг матнни тўғри тушуниб, ўқиш тезлиги бир дақиқада 40-50 та сўзга етиши лозимлиги таъкидланган. Албатта, бу кўрсаткич ўқувчига юкланган минимал талаб. Н.Отажонованинг ўқувчилари эса ўзларига юкланган ушбу талабни теран ҳис қилган ҳолда уддалай олмоқдалар. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бунда ўқитувчининг ҳам тинимсиз изланиши, касбига меҳр билан ёндашаётганлиги омил бўлаётган бўлса, не ажаб.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
"Маърифат" мухбири

Суратларда: дарс жараёнидан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

«Ma'rifat» танлови

ЯНВАРЬ ОЙИ ҒОЛИБЛАРИ

Азиз муштарий! Мана 2002 йилнинг январь ойи ҳам ортда қолди. Йил аввалида газетамизда эълон қилинган "Маърифат"-нинг ҳар ойда ўтказиладиган танловининг дастлабки ойи якунлари билан танишинг. Дарвоқе, ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлаш жараёнида таҳлил гуруҳи томонидан танланган журналистик ижод маҳсуллари атрофлича таҳлил қилинди. Ва ўйлаймизки, натижа холисона бўлди.

Унга кўра:



Энг яхши саҳифа учун - Иброҳим Ғафуров «Ф.Нитше тафаккур ва ҳаёлот сеҳргари» деб номланган саҳифаси учун (2002 йил 30 январь сони);

Энг яхши мақола учун - Абдували Обиддинов «Юз хотир ҳақиқатнинг белини қайиради» сарлавҳали танқидий мақоласи учун (2002 йил 5 январь сони);



Энг яхши интервью учун - Бахтиёр Маҳмудов Матназар Абдулҳакимдан олган "Йигирма еттинчи рубоий" сарлавҳали интервьюси учун (2002 йил 23 январь сони);

Энг яхши фото лавҳа, сурат учун - Бурхон Ризоқулов «Ёш гимнастикачилар» фотолавҳаси учун (2002 йил 30 январь сони);

Энг яхши янгилик учун - Дадажон Аҳмадалиев «Биринигизга минг берсин» сарлавҳали янгилиги учун (2002 йил 16 январь сони) ғолиб деб топилди.

Сезган бўлсангиз газетамизнинг шу йил 9 январь сонида эълон қилган танловимиз "Энг яхши саҳифа учун" (соврин — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорида) ҳамда "Энг яхши интервью учун" (соврин — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида) номинациялари эвазига бўйиди. Ниятимиз газетамизда журналистиканинг барча жанрлари бўйича таълим-тарбия ишида асқотадиган тўлақонли материалларни кўпайтириш. Марҳамат, танловимизда иштирок этинг!

Xotira

ОҚИЛА ОЛИМА ЭДИ

Раҳима Ходиевнанинг исми тилга олинганда, кўплаб Ўзбекистон олимлари тасаввурида саботли олима, меҳрибон ҳамда талабчан устоз тимсоли намоён бўлади десам, муболағa бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг ўз эзгу-ниятлари бўлгани каби шу мукаррама аёлга бўлган эътиқодим мени илм-фан ривожига ҳисса қўшишга йўллади. Бу йўналишда шундай улуғ инсоннинг кучли иродаси ва қатъиятига, меҳнатсеварлигига, жамоадошларига ҳурматлилигига, қўйингки, ҳамма хислатларига ҳавас қилиб, ният ва мақсад йўлида толмасликни Раҳимахон Аминовадан ўргандим.

Меҳрибон она, забардаст олим ҳақида кўп рисолалар ёзилган. Муаллифлар бу инсоннинг фазилатлари ҳақида ажойиб фикрлар билдиришган ва миннатдорчилик туйғуларини баён қилишган. Фикримизча, бу инсон тўғрисида қанча кўп ёзилса, шунча кам.

Мени лол қолдирадиган ҳолат шуки, Раҳима опа ўқитувчи оиласида таваллуд топиб, ўрта мактабни битириб уруш давом этаётган пайтда Тошкентга келди. Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) шарқшунослик факультетига ўқишга кирди. Талабалик давридаёқ унинг фидокорона меҳнати муносиб тақдирланган эди. Оддийгина биринчи курс талабасининг меҳнатини шундай юқори баҳоланишига, албатта, асос бор эди. Опа ташкилотчи эди. Ўз Ватанига садоқати, инсонийлик бурчини ҳис этиши шундай қадрланиш асосини ташкил қилганига ҳеч шубҳам йўқ. Айнан шу даврда опанинг илмий изланишларга мойиллиги, ҳаракати ва бу йўлда қатъийлиги шаклланиб борган. Шунинг учун ҳам университетни тамомлагандан кейин Раҳима Ходиевна тарих ва археология институтига аспирантурага қабул қилинди.

Президентимиз И.Каримов кўп марта қайтараётган тарихсиз келажак бўлмайди тамойилига олима опа қатъият билан ёндошган.

Ҳозирги кунда бутун жаҳонни ўйлантириб қўйган Орол денгизи муаммоси тарихан чуқур ўгранилмаган. Бу борада Раҳима опанинг суғориш ишлари тарихига қизиқиши ва шу йўналишда ҳимоя қилинган номзодлик диссертацияси ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Чунки давлатимиз мустақилликка эришиши билан миллий анъаналаримиз, айниқса, ижодкор халқимизнинг ўтмиш тажрибалари биз учун ниҳоятда қўл келиши муқаррар. Шуни мамнуният билан тилга олиш мумкинки, Раҳима опа ўз илмий ишларига асос қилиб қишлоқ хўжалиги тарихини танлади. Бу ҳаётий тармоқда ўтган даврларда амалга оширилган илғор тажрибалар, албатта, келажакда янги усулларни қўллашда катта ёрдам беради. Олиб борилган изланишлар докторлик диссертацияси, кўплаб рисолалар, илмий мақолалар яратиш имконини берди. Меҳнатсевар опанинг қарийб 300 та рисола, мақолалари айнан шу изланишлар натижасидир. Бундай илмий ишлар умр бўйи чекилган машаққат самарасидир. Халқимизнинг азалий удумларидан ҳисобланган шогирд тарбиялаш ҳам олиманинг олий мақсадларидан ҳисобланган.

Бағри кенг опанинг 60 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодлари бўлган шогирдлари ҳозирги кунда тарих фанидан дарс бериш билан бирга жонажон Ўзбекистонимиз тарихини бунёд этишда толмай меҳнат қилишмоқда. Опанинг бахти ҳам шунда эди.

Меҳрибон опа ўзбек фанини жаҳонга танитгани ҳақида алоҳида тўхталишни лозим топдик. Ваҳоланки, юртимизнинг илмий салоҳияти, мероси азал-азалдан дунёга машҳур. Аммо яқин ўтмишда буни очиқча гапириш мумкин эмас эди. Шунга қарамай опанинг Америка Қўшма Штатлари, Швеция, Мексика, Германия Федератив Республикаси, Куба, Эфиопия, Жазоир, Болгария, Германия Демократик Республикаларида ўтказилган халқаро анжуманлар, симпозиумларда маърузалар билан иштирок этиши Ўзбекистонни жаҳонга танитиш борасидаги улкан хизматлари сирасига киради. Олиманинг ўз иши, халқ, миллат олдидаги бурчи, келажак авлод учун йўлланма, қўйингки давлатимизнинг буюклигига ишончи чин инсоний фидоийлик хислатлари барчамиз учун ибрат бўлиши лозим. Гоҳида опанинг шогирдлари билан учрашиб қолганимизда, уларнинг ҳақида шодланиб, ғурурланиб гапиришларининг кўп гувоҳи бўлганман. Ўйлаб қоламан, қани энди ҳаммамиз ҳам шундай бахтга муяссар бўлсак.

У кишига чин дилдан айтилган сўзларнинг ҳисоби йўқ эди. Шунга қарамай мен опанинг босиб ўтган йўли, қилган ишлари, илмий салоҳияти, инсоний фазилатлари, эришган бахтига, қолдирган бой илмий меросига ҳавас билан разм солиб, шу инсонга ўхшашга ҳаракат қилиб, ушбу сатрларни ёздим.

С.ҒУЛОМОВ,
академик

ЎҚИТУВЧИ БОҒ ЯРАТДИ

боғдан келган даромадга эса болалар боғчаси қуриб бермоқчи

Одамлар одобли, мулойим хулқли ўғил-қизларни учратганда ҳавас билан "Отангга раҳмат!" дейишади. Мана шу икки сўзни эшитишдан ҳам ортиқ бахт борми. Шундай бахтга эришган фидоий педагог олимлардан бири Сафар Рўзибоевдир. С.Рўзибоев Бахмал туманининг сўлим гўшаларидан бири — Сарой қишлоғида туғилиб ўсди. Болалик йиллари шу қишлоқда ўтди. Мактабни тамомлагач эса, Самарқанд Давлат университетининг физика факультетини тугатиб, олий маълумотли физик ихтисослигини олди. Меҳнат фаолиятини ўзи сабоқ олган Бахмал туманидаги 30-ўрта мактабда бошлади.

Педагогик фаолияти даврида илмий методик ишларни олиб боришга киришди. С.Рўзибоевнинг бундай изланиш маҳсули 1974 йилда ЎзПФИТИда бўлиб ўтган педагогик ўқишда юксак баҳоланди. Шу-шу С.Рўзибоев илмий тадқиқот ишига жалб қилинди. Унинг илмий педагогик изланишига Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, марҳум Раҳим Бекжонов ва педагогика фанлари доктори, профессор Эшбой Турдиқуловлар илмий раҳбарлик қилдилар. Фидоий педагог С.Рўзибоев 1980 йилда "Ўқувчиларда атом тузилиши тушунчаларини шакллантиришда физика-химия предметларининг алоқадорлиги муаммоси" мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

С.Рўзибоев ўтган вақт мобайнида Жиззах педагогика ва Политехника институтларида турли вазифаларда ишлади. 1996 йилдан вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кафедра мудири ва 1998 йилдан институтдан ўқув-методик ва илмий ишлар проректори лавозимларида фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Олимнинг муаллифлигида 3 та ўқув методик қўлланма, 15 та илмий методик тавсиянома ва 60 дан ортиқ илмий методик мақолалари чоп этилди. У киши институт ҳаётида фаоллик кўрсатиш билан бир қаторда тадбиркорлик билан ҳам шуғулланиб келмоқда. С.Рўзибоев хусусий фирма очиб, Бахмал туманидаги С.Айний номли жамоа хўжалиги ҳудудидан 1994 йилда туман ҳокимлигининг қарори асосида 3 гектар ер олди. Бу ерга 10 минг туп терак, 200 туп олма, 200 туп шафтоли ва бошқа мевали дарахт кўчатларини ўтқазди. Бундай тадбиркорлик меҳнати эвазига Сарой қишлоғида каттагина кўркам боғ яратилди.

Фидоий педагог С.Рўзибоевнинг бирдан-бир эзгу орзуси боғидан келган даромад эвазига қишлоқ болалари учун 200 ўринли боғча қуриб беришдир. Биз у кишининг бу эзгу нияти амалга ошишини тилаб қоламиз.

М.РУСТАМОВ,
Жиззах ВПҚТМОИ маънавий-маърифий ишлари бўйича проректори

ҚАЛБИ ҚАЙНОҚ УСТОЗ!

Ўқитувчилик касби жуда машаққатли касблардан биридир. Шу машаққатли касбнинг моҳир билимдони, етук педагог, жонкуяр устозимиз Ҳакима Позилова айни пайтда 318-сонли ихтисослашган мактаб-боғча мажмуасида ўқув-тарбия ишлари бўйича директор муовини бўлиб ишлаб келмоқдалар.

Ҳакима опа иш жараёнида ўнлаб ёш мутахассисларнинг маслаҳатгўйи, устози сифатида барчанинг ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдалар. Тумандаги барча бошланғич синф ўқитувчилари Ҳакима опа билан ижодий ҳамкорликда иш олиб боради. Шу билан бирга туман миқёсида бошланғич синфларда ўтказиладиган олимпиадада эксперт бўлиб, ўз хулосаларини берадилар.

Оилада ҳам қаҳрамонимиз бахтли. Улар 2 нафар ўғил ва 2 нафар қизни оқ ювиб-оқ тараб, барча ҳавас қиладиган фарзандлар қилиб тарбиядилар. Ҳозирда 5 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси.

Турмуш ўртоқлари Шукур Позилов ҳам кишиларнинг ҳурматига сазовор бўлган инсон. Ҳ.Позилова 1995 йилда Сирғали туманида биринчи бўлиб, барча қилган эзгу ишлари, самарали меҳнатлари учун "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлдилар. Неча йиллик машаққатли изланиш, фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббати зое кетмади.

Ҳозирги кунда ҳам фидойи устозимиз изланишдан, ўрганишдан тўхтамаганлар. Ўқитувчилар фаолиятини диагностик таҳлил қилишга ижодий ёндашдилар. Ўқувчиларнинг билим даражаси мониторингини аниқлашда уларнинг йўл-йўриқлари, тавсиялари асосида иш кўрилади. Ҳакима опа ҳар бир дарсга алоҳида қизиқиш, тайёргарлик билан кирадилар. Дарснинг самарали чиқиши учун турли хил усуллардан фойдаланадилар. Ўқувчиларни диққат-эътибор билан назорат қиладилар.

Юрт учун виждонли, ийманли, баркамол шогирд етиштириш осон эмас. Ҳакима опа кўплаб шундай инсонларни етиштирдилар, деб бемалол айта оламиз. Шубҳасиз, шунча йил давомида қилинган меҳнат самараси зое кетмаганлигини шулар орқали ҳам кўриш мумкин.

Нозима ҲАКИМОВА,
Моҳира ТОЛИПОВА

Mehmonxona

Леонид ЛЕВИТИН:
«ЎҚИТУВЧИЛАРГА ШОГИРДЛАР КАМОЛИНИ КЎРИШ НАСИБ ЭТСИН»

Саҳифамизнинг бугунги меҳмонида бошқалардан фарқланадиган жиҳатлар кўп. Юридик фанлари доктори, профессор, ҳуқуқшунослик назарияси бўйича етакчи мутахассис Леонид Левитин мустақил Ўзбекистон ва унинг илк Президенти Ислом Каримов ҳақидаги китоблар муаллифидир. Унинг биринчи китоби америкалик профессор Дональд С.Карлайл билан ҳаммуаллифликда 1994-95 йилларда ёзилган. Иккинчи китоби эса ўтган йили Москвадаги "Вагриус" нашриётида "Ўзбекистон тарихий бурилишда" номи билан чоп этилди. Тарихшунос олим Леонид Левитин билан газета Бош муҳаррирининг суҳбати ушбу китоб мавзуси ва мазмуни доирасида кечди. 1994 йилдан Германияда истиқомат қилади.

— Ҳаётингизнинг маълум бир қисми бевосита Ўзбекистон билан боғлиқ бўлганлигини китобингиз орқали биламиз. Шу боис, анъанавий саволимизни беришга рухсат этгайсиз: қаерда ўқидингиз? Қўлингизга илк бора қалам тутқазган устозингизни эслай оласизми?

— Белоруссиянинг Минск шаҳридаги 9-ўрта мактабда бошланғич таълим олганман. Биринчи устозимни кўз олдимга келтираяпману, аммо, исми-шарифини эслай олмаяпман. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг болалар уйига тушиб қолдим. Дастлаб Қирғизистоннинг Тоқмоқ, сўнг Бишкек шаҳарларидаги меҳрибонлик уйларида тарбияландим. Ана шу ердаги тарбиячи-устозларимни эслай оламан. Сиз берган савол туфайли мен яна бир бор уларнинг нақадар буюк зот эканликларини ич-ичимдан теран ҳис қилмоқдаман. Очиғини айтганда, сенга илм-ҳунар ўргатган мураббийларингни ҳар доим ҳам ёдга олавермайсан, киши. Шу сабабдан ҳам беғубор болалик хотираларимни эслатаётганингиз учун миннатдорчилик билдираман. Биласизми, гоҳи-гоҳида мен болалигимни, жонажон илм масканимни жудаям қўмсайман. Рус тили фанидан Ефраксия Павловна, немис тили ўқитувчимиз Александра Васильевна Цуерба, математик Ольга Ивановна Карантина каби муаллималарни юксак тоифадаги педагоглар деб биламан. Гарчи уруш пайти, ён-атрофда йўқчилик, очарчилик ҳукм сураётган бўлса-да, бу устозларнинг ҳеч эринмай, доимо янгиликка интилувчанлиги, фаоллиги, ташаббускорлиги, ўқувчиларига бўлган самимийлиги ҳалиҳануз мени лол қолдириб келади. Ҳа, улар юксак маданиятли инсонлар эди.

Умримнинг энг қувончли ва унутилмас йиллари ўзбек халқининг муқаддас тупроғида ўтганлигидан ўзимни бахтиёр санайман. Мен Тошкентдаги Ўрта Осиё дорилфунуни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да ўқиш бахтига муяссар бўлганман. Талабалик йилларимиз космополитизм билан кураш даврига тўғри келганлиги боис, бизга Россиядан сургун қилинган машҳур олимлар дарс беришган. Умуман, ҳаётимда ажойиб ўқитувчиларим бўлганлигидан фахрланаман. Бутун умр уларга қарздорлик туйғуси мени асло тарк этмайди. Ўша пайтда улар биз — ёшларга маданиятнинг юксак қирраларини кўрсатганларки, ҳозирги муаллимларимизда шу хислатлар гоҳида кўринмай қолаяпти. Бу билан мен бугунги ўқитувчиларнинг мавқеини туширгим келмайди, асло. Эсингизда бўлсин, ҳар бир давр ўзининг интеллектуал салоҳияти билан кучлидир. Мана шу нуқтаи назардан қараганда, биз университетда ўқиган даврда сталинизмнинг энг мудҳиш жиноятларидан бири — халқ зиёлиларини бирма-бир қатағон қилиш бўлди. Рус зиёлилари билан бир қаторда бошқа халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам маърифатпарвар аҳли бундан четда қолмади. Масалан, замонасининг машҳур зиёлиси, сиёсий арбоб Маҳмудхўжа Беҳбудийни олайлик. Буюк мутафаккирнинг қандай вазиятларда қатл этилгани ҳанузгача номаълум-ку!? Ёки Фитратни ёдга олайлик. У ўзининг она тили — ўзбек тили ва маҳаллий форсий тилдан ташқари яна учта чет тилларни билган ноёб истеъдод эгаси эди. Уларнинг қатл этилиши миллат учун катта фожеа бўлди ва буни асло унутиб бўлмайди. Ҳар гал "Устозларингизни эсланг" деганларида, мана шулар хаёлимдан ўтади.

Талабалик йилларимда Ҳамза номидаги ўзбек драма театри(ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов каби жаҳон даражасидаги актёрларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлганман. Томошалар асосан ўзбек тилида бўлса ҳам, биз буюк санъат сеҳрига маҳлиё эдик. Аброр Ҳидоятовнинг "Отелло"да ҳайратли, эҳтирос билан ижро этган образи, момоқалдироқдек овози ҳанузгача қулоғимдан кетмайди. Университетда турли хил маданий тадбирларни тез-тез уюштириб турардик. Ушбу тадбирларнинг ташкилотчиларидан бири сифатида бир гуруҳ талабалар билан 1952 йили Мукаррама Турғунбоевани ўртага олиб тушган сурат менга талабалик — олтин давримдан ёдгорлик.

— Ўқувчилик йилларингизда эсда қоларли қизиқарли воқеа-ҳодисалар бўлганми?

— Бошланғич синфдалигимда Лёва Томилчук исмли белорус бола билан дўст эдим. Уруш бошланиши билан ҳаммамизни ҳар хил болалар уйларига жўнатишган. Орадан 50 йил ўтиб, мен у билан учрашдим. 1991 йилда Минскга бордим. Дўстимнинг эса физика ва астрономия фанлари бўйича етакчи олим, академик эканлигини сал олдинроқ матбуотда ўқиб билгандим. Шундай қилиб, телефонлар рўйхатидаги академиклар ичидан дўстимнинг исми-шарифини топиб, унга қўнғироқ қилдим. Лёва мени бирданига таниди. Аммо менга олдинги ўн яшар ва ҳозирги олтмиш ёшдаги дўстимни эсимга туширишим учун камида икки-уч соат вақт кетди, чамамда. Яхшиямки, у ўша пайтдаги фотосуратларнинг айримларини олиб келган экан. Шундан бери алоқамиз янгиланиб, ҳозир биз у билан тез-тез учрашиб турамиз.

— Бугунги замонавий ўзбек мактаби тўғрисидаги фикрларингиз қандай?

— Менинг тасаввуримда, ҳозирги замон мактаби олдида, у қайси мамлакатга ёки халққа тегишли бўлишидан қатъи назар, иккита муҳим муаммо бор. Бу — мактабларда ўқувчилар орасида миллатлараро алоқанинг қанчалик даражада ривожланганлиги ҳамда ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муносабатларнинг яхши йўлга қўйилганлигидадир. Буни келажак учун ҳам, инсоният учун ҳам жуда ҳам муҳим, деб ўйлайман. Қизларимизни, эртанги она, оила тебратувчиларимизни ҳамиша эъзозлашимиз керак ва бу борада Ғарб давлатлари Шарқ мамлакатларидан, шу жумладан, Ўзбекистондан кўп нарсани ўрганса арзийди. Ахир, сизларнинг урф-одатларингиз, анъаналарингизнинг ўзида асрлар давомида аёл кишига ҳурмат эътироф этилиб келинмоқда-ку! Бу эса, яна қайтариб айтаман, бутун инсоният учун муҳимдир.

Ўзбекистондаги мактаблар хусусида гапирадиган бўлсам, мени шу пайтгача турли миллат фарзандларидан иборат ўқувчиларингизнинг ўзаро самимий ва дўстона муносабати ҳайратлантириб келмоқда. Мен бу ҳақда иккинчи китобимда пойтахтдаги 17-мактабни мисол қилиб ёзгандим. Бу сафар эса Миробод туманидаги 60-мактабда бўлдим ва сўзларимнинг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Тажрибали педагог Елизавета Воробьёва раҳбарлик қилаётган бу мактабдаги озодалик, тартиб-интизом, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг маданияти, юзларидаги нур уларнинг эртанги ёруғ кунларга бўлган мустаҳкам ишончини акс эттиргандек, гўё. Мактаб устахонасида меҳнат таълими ўқитувчиси Иван Загуменнийнинг болалар билан тайёрлаётган маҳсулотларини кўриб, улар германиялик тенгдошларидан асло фарқ қилмасликлари, мактабдаги немис тили кутубхонасида бўлим мудираси Нелля Тукшаитованинг ҳамда юқори синф ўқувчиларининг немис тилида аниқ ва равон сўзлашларини эшитиб, ўзбекистонлик ўқувчиларнинг немис тили ва адабиётини чуқур билишларига гувоҳ бўлдим.

— Ўзбекистон ва унинг илк Президенти ҳақида китоблар туркумини ёзишингизга нима туртки бўлди?

— Мен бу саволга китобимда жавоб берганман. Содда қилиб айтганда, шу муқаддас заминда ёшликда олган таълимим, еб-ичган нон-тузим учун қарзларимни қайтариш туйғуси мени Ўзбекистон ҳақида ёзишга даъват этди. Ахир халқингизда: "Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом" деган ибора бор-ку! Уруш пайтида мен ва мен каби минглаб болалар уйи тарбияланувчиларига бағри кенглик кўрсатгани учун ўзбек халқидан бир умр миннатдорман. Биласизми, халқингиз ноёб хислатларга эга. Мана қаранг, одамлар ўз ҳаётида сирли ва мўъжизали атлантидасини излашади. Яқиндагина мен суҳбатдош бўлган юртдошингиз, академик Эдвард Ртвеладзе ўз атлантидасини мана шу заминда деб билади. Буни инсон руҳиятининг атлантидаси деса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам келажак авлодга озод ва обод Ватанни қолдиришда нафақат Президентнинг ёлғиз ўзлари жонбозлик кўрсатишлари, балки шу ерда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро ўзининг тарихий масъулиятини юракдан ҳис қилмоғи керак. Бир сўз билан айтганда, мўъжизали атлантидани узоқ хориждан эмас, ўз юртидан, киндик қони томган шу тупроқдан излаш керак. Бунинг учун эса юрт тарихини, буюк аждодлар меросини ўқувчиларга чуқур ўргатмоқ даркор. Зеро, буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Беҳбудий таъкидлаганларидек: "Ўтмишсиз келажак йўқдир".

— Сезган бўлсангиз, суҳбатимиз мазмуни ёшларга келиб тақалмоқда. Сиз иккинчи китобингизда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ўша пайтдаги талабаси Мурод Шарипов билан бўлган мулоқотингизда унинг келажагига қизиққансиз. Билишимизча, яқинда сиз ана шу йигит билан яна учрашибсиз. У сизнинг ишончларингизни оқладими?

— Ҳа. Мурод билан бу галги суҳбатимиз яна ҳам қизиқарли ўтди. У ҳозир магистратурада ўқиётган экан. Келгусида дипломат бўлиш орзуси бор. Мен унинг мақсадларига эришишига ишонаман.

— Маълумки, 27 январь куни мамлакатимизда катта ижтимоий-сиёсий воқеа — икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалаларига бағишланган референдум бўлиб ўтди. Таниқли сиёсатчи, халқаро кузатувчи сифатида бизни сизнинг фикрларингиз қизиқтиради.

— Мен мамлакатингиз парламентининг икки палатали бўлиши тарафдориман. Ўйлайманки, уларнинг биттаси қонунлар чиқариш билан шуғулланади, қонунчилик борасида тадқиқотлар олиб боради. Юқори палата эса ишлаб чиқилган қонунларнинг ҳаётда акс этишини таъминлайди. Ўз навбатида қуйи палата устидан назорат олиб боради. Адолат мезонлари асосида иш юритадиган бундай парламент, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.

Президентнинг етти йиллик ваколати хусусида тўхталсам, бу кўпгина ривожланган давлатларда синалган тажриба бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳам бу борадаги дадил қадамини қўллаб-қувватлайман. Сиёсатчи сифатида Ўзбекистон учун етти йиллик Президент бошқаруви айни муддао деб ўйлайман.

— Газетамиз муштарийларининг асосий қисми ўқитувчи-мураббийлардир. Шу боис, уларга қандай эзгу тилакларингиз бор?

— Ўқитувчилик ва шифокорликни дунёдаги энг шарафли ва муқаддас касблардан деб биламан. Уларга ҳамиша таъзимдаман. Ўзбекистонлик ўқитувчиларга шогирдларининг камолини кўриш насиб этсин, доимо соғ-саломат бўлишсин. Таҳририят ходимларига эса уларнинг фаолиятларини ёритишда ижодий баркамоллик тилайман.

Нурлан УСМОНОВ ёзиб олди.

Суратда: Л.Левитин пойтахтдаги 60-мактаб синфхоналарининг бирида ўқувчилар билан немис тилида суҳбатлашмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Китобинг кирмаган ўзбек элида хонадон йўқдир,
Рубобий куйларинг ёд билмаган бир жонажон йўқдир,

ДАҲОЛАРИ БОР ХАЛҚ ЕНГИЛМАСДИР

Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган адабий кеча сценарийси

1-саҳна

(Саҳна космик тарзда безатилган. Саҳна марказига компьютер ўрнатилган. Майин мусиқа янграйди.)

Фрам: — Бутун Коинотни қидирсанг ҳам, Руфиддек ажойиб сайёра топилмаса керак. Қизиқ, бугун бир ажойиб туш кўрдим. Тушимга юзларидан нур ёғилувчи бир алломасифат одам кириб, қуйидаги мисрани ўқиди:

Олам аҳли билингизким,
Иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким,
Эрур ёрлиғ иш.

Ажаб, ким бўлди бу сиймо, унинг сўзлари қулоғим остида эрталабдан буён жаранглаяпти.

(Саҳна ортидан ахборот берувчи бошловчининг товуши янграйди).

Бошловчи: — Фрам, роппа-роса 20 минутдан кейин Ситода Олий Кенгашнинг мажлиси бошланади. Кеч қолмаслигингизни сўраймиз.

(Саҳнада Олий Кенгашнинг аъзолари - олимлар пайдо бўладилар).

Олий Кенгаш бошлиғи, **донишманд Сафид:**

— Сизларни чақиришдан мақсад, яқинлашиб келаётган улкан фалокатдан огоҳ этиш ва унинг олдини олишга ёрдам сўрашдир. Руфиддек она сайёрамиз ҳалокат ёқасида.

Тин: — Бир неча йил муқаддам ишлов бериш вақтида бир юлдуз портлаб кетган, бу юлдуздан чиқаётган радиоактив оқими бизгача етиб келган ва қуёш ёритқичларимиз ҳарорати ва фаоллигининг ошишига сабаб бўлган. Кечаю кундуз катта миқдордаги нурланиш оқибатида сайёра аҳолисининг чорак қисми ҳалок бўлди.

Сафид: — Кичкина бир хато ва бизнинг бепарволигимиз туфайли бир неча 100 йил ичида Галактикамизнинг асосини ташкил этувчи юлдузлар шу тариқа портлаб кетиши керак. Албатта, биз ҳам тирик қолмаймиз, чунки мўъжиза рўй бериб, Руфиднинг ёритқичлари портламаган тақдирда ҳам, сайёрадаги барча тирик жонни куйдириб, кул қилиб ташлайди. Энди қандай қилиб бўлмасин, сайёрамиз аҳолисини қутқариб қолишимиз керак! Сизлар бу борада нима дея оласиз?

Тин: — Биз бошқа сайёрага кўчиб ўтишимиз керак!

Раль: — Қаердан топасан ўша сайёрани?

Сафид: — Фрам, сизнинг фикрингиз қандай?

Фрам: — Менимча, ҳозир қўлимиздаги барча фазо кемаларини сафарга жўнатишимиз керак, улар яшашимиз мумкин бўлган сайёрани ва ёритқични қидириб топишади.

Тин: — Сизлар бир нарсани унутаяпсиз, ахир яқинда кашф қилинган сариқ юлдуз, яъни қуёш атрофида ҳаёт ривожланган сайёра айланиши, унда ҳатто онгли жонзотлар яшаши исботланганку! Биз худди ўша сайёрага кўчиб ўтишимиз мумкин.

Раль: — Сайёра аҳолиси-чи? Улар рози бўлишармикин?

Тин: — Рози бўлишмаса, уларни қириб ташлаймиз.

Фрам: — Нима деяётганингизни ўйлаяпсизми? Қириб ташлаймиз эмиш! Яшаб турган уйини тортиб олсак-да, раҳмат ўрнига ўзларини қириб ташласак.

Сафид: — Шошманг, аввало, биз ерликларнинг ҳаёт тарзи, сир-асрори билан танишиб, табиий бойликларини ҳисоблаб чиқсак, маҳаллий халқнинг онг даражасини аниқласак, ана ундан кейин...

Тин: — Бош тармоққа уланинг. Сариқ юлдуз атрофида Ер деб аталмиш сайёра ҳақида маълумот олинг.

(Экранда А.Навоий сиймоси пайдо бўлади. Ҳаммаёқ ёришиб кетади)

Альфед: — Донишманд Сафид, сизга маълумот бераман. Ҳозир ерда катта анжуманга тайёргарлик ишлари кетаётган экан. Бу сайёра бир олий фазилатли аллома таваллуд топган кунни нишонлаш арафасида турибди.

Фрам: — Бу олий фазилатли одам ким? Қаердан тушаяпти бу нур? Ким тушираяпти уни кўзга?

Альфед: — Бу зотнинг номи Алишер Навоий, қадим Турон элининг машҳур шоири, бу Ернинг тарихидан хабар. Бу маданиятнинг ойнаи жаҳонномаси.

Альфед: — Устоз! Сизга тўлиқ маълумот бериш учун вақт машинасини орқага бурашим керак!

Сафид: — Тезроқ бурагин, бу нурли сиймо ким бўлди, билиш иштиёқи мени тинч қўймаяпти.

(Тутун, ўзга сайёраликлар саҳнани тарк этадилар).

2-саҳна

Экранда Алишер Навоий сурати намоён бўлади.

(Чақалоқ йиғиси товуши)

Саҳна ортидаги бошловчи: Хоқони олий мақом Шоҳруҳ султоннинг подшолик даврида иззат ва иқбол гулшанида омонлик ва умид мевалари берадиган бир дарахт кўкарди, мартаба ва улуғлик осмонида бахт-саодат кўзини ёритувчи бир юлдуз порлади.

Олий мартабали, ҳидоят насабли, покиза табиатли, соф ниятли, салтанат суянчиғи, мамлакат устуни, хоқония давлатининг ёрдамчиси 17 рамазон ойи 844 ҳижрий, товуқ йилида йўқлик дунёсидан борлиқ оламига қадам босиб, ўзининг гўзаллиги ва порлоқ чеҳраси билан ер юзини ёритди. Келажак насллар бу зотни туркий тил асосчиси, шеърият султони — Мир Алишер Навоий деб эҳтиром ила тилга оладилар.

(Тарихчи Хондамирнинг "Макоримул ахлоқ" — "Яхши хулқлар" асаридан).

(Саҳнада Алишернинг отаси, онаси, домла кўринадилар, "чақалоқ" Алишер бешиқда).

Домла: — Фарзанд муборак, Ғиёсиддин Мир жаноблари. Илоҳо, умри узун, толеи баланд бўлғай.

Ғиёсиддин Кичкина: — Қуллуқ тақсир, энди, ўзингиз азон айтиб, оталик вазифамизни адо этмоққа кўмаклашурсиз.

Домла: — Бу албатта, биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Домла: — Ғиёсиддин жаноблари, бу гўдакка худонинг назари тушган, буни мен қалбим билан ҳис этиб турибмен, буни гўдак юзидаги илоҳий нурдан пайқадим.

Қани, о-омин, ўғлингиз худо хоҳласа эл назарига тушиб, унинг бахту саодати йўлида хизмат қилғай ва ер юзида ундан диловар инсон бўлмағай, оллоҳу акбар. Бизга энди жавоб (улар чиқиб кетадилар).

3-саҳна

(Саҳнада нуроний киши Мавлоно Лутфий ва ёш Алишер кўринадилар).

Алишер: Ассалому-алайкум, устоз.

Мавлоно Лутфий: —Ваалайкум ассалом ўғлим, кимнинг ўғлидурсиз, бағоят тарбияли оила фарзанди кўринасиз?

Алишер: — Мен Ғиёсиддин (Кичкина) баҳодирнинг ўғлидурмен, устоз.

Лутфий: — Э, шундай денг, баракалло. Мени танийсизми, каминани устоз деб ҳурматлашингизга не сабаб?

Алишер: — Сиз ҳақингизда эшитмаган, сизнинг ғазалларингиз ила сеҳрланмаган киши бўлмаса керак. Мавлоно Лутфий номи оиламизда жуда ҳурматланади, мен сизнинг гўзал ғазалларингиз-ла танишмен, шеъриятга ҳавасим баланд, ўзим ҳам гоҳи-гоҳи машқ қилиб, қоғоз қоралайдурмен.

Лутфий: — Балли, балли бўтам, қани марҳамат айланг, каминаға ижодингиздан намуналар ўқиб, лутф айланг-чи.

Алишер: — Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур
ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон
бўлғоч қуёш.

(У шеърни қироат билан охиригача ўқийди).

Лутфий: — (байтни такроран қайтаради) Вооллоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг 10-12 минг форс ва туркий байтларимни ушбу ғазалга алмаштирардим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият деб санардим.

4-саҳна

1-бошловчи: — Ўзбек адабий тилининг бунёдкори сифатида майдонга чиққан шоир ўз она тилининг гўзал ва бой эканлигини баркамол бадиий асарлар яратиб, ҳам амалда, ҳам илмий-назарий йўл билан исботлади.

2-бошловчи: — "Хамса", "Чор девон", "Муҳокаматул луғатайн", "Маҳбуб-ул қулуб", "Мажолисуннафоис", "Лисонут-тайр" каби асарлар шулар жумласидандир. Шоир яратган образлар севги-муҳаббат, меҳнатни улуғлаш, дўстлик-садоқатни куйлаш, босқинчилик урушларини лаънатлаш, ободонлик, ҳаёт учун кураш мотивларини ўзида мужассам этган.

1-ўқувчи: — Мустақил она диёримизда Навоий ижодий меросини, унинг асл эгаси — халққа етказиш, халқнинг маданий мулкига айлантириш учун ҳамма зарур чоралар кўриб келинмоқда. 7 яшардан 70 яшаргача бўлган ҳар бир туркий учун Навоий номи, асари, ёди муборак ва муқаддасдир.

2-ўқувчи: — Навоийнинг 15 томлик асарлари тўплами кўплаб нусхаларда нашр қилиниб, халққа етказилди, унинг асарлари қардош халқлар тилларига таржима қилинди.

1-ўқувчи: — Республикамиз шаҳарларидаги марказий кўчалар, маданий муассасалар, кинотеатрлар Алишер Навоий номи билан аталади. Навоий номидаги вилоятда шоир руҳи кезиб юрибди.

2-ўқувчи: — Асосийси шуки, Навоий номи, унинг асарлари, пок руҳи халқнинг, одамларнинг қалбида сақланажак!

(Саҳнада ўзга сайёраликлар пайдо бўлади).

Фрам: — Бундай даҳолари бўлган халқни асло енгиб бўлмайди.

Сафид: — Ўз тарихи, ота-боболари, осори-атиқаларини улуғлаган халқ абадийдир. Биз сизга тан бердик, сизга таъзим қиламиз.

(Улар таъзим билан саҳнадан чиқиб кетдилар. Мусиқа оҳанги остида якунловчи шеър ифодали ўқилади).

1-ўқувчи: — Дилим равшанлигин ҳиссим йўлида
офтоб айлаб,
Мозоринг бошида таъзимла турубмен
сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам
қалбдан хитоб айлаб
Ватандошлар саломин неча жилдли
бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога келибман
интихоб айлаб.

2-ўқувчи: — Самарқанд, Андижон, Тошканду
Урганжу Бухородан,
Ўзинг нашъу намо топган
шарафли-шонли маъводан,
Сенинг орзуларинг рўёбга чиққан
янги дунёдан,
Туман Фарҳоду Ширин сув чиқарган
бахтли саҳродан,
Ажаб гулдаста келтурдим
унга заррин таноб айлаб.

3-ўқувчи: — Китобинг кирмаган ўзбек элида
хонадон йўқдир,
Рубобий куйларинг ёд
билмаган бир жонажон йўқдир,
Етук авлодларингдур
илму донишли, гумон йўқдур,
Кўнгулларни ёритдик
маърифатдан моҳитоб айлаб.

4-ўқувчи: — Ватан осмонида
нурга тўла офтобни, юлдузни,
Буюк иқболни ижод айлаган
мингларча гул юзни,
Қоронғу шоми йўқ, доим
мунаввар бахтли кундузни,
Жамолини кўришга бир умр
юммайин кўзни,
Навоий ҳам етар то рўзи
машҳар тарки хоб айлаб.

(Мусиқа садоси остида адабий кечанинг ҳамма иштирокчилари чиқиб таъзим қиладилар).

ТАМОМ.

Эътибор НАЗАРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
102-мактаб ўқитувчиси

ФАЙЛАСУФЛАР ТУҲФАСИ

Яқинда истеъдодли олимлар С.Йўлдошев, М.Усмонов ҳамда М.Қодировларнинг узоқ йиллик меҳнати самараси туфайли "Аждодларимиз мероси—мафкурамиз гавҳари" деб номланган китоб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва умумтаълим мактаблари учун қўлланма сифатида нашрдан чиқди. Ушбу қўлланманинг нашрдан чиқиши эса дарсликлар муаммосининг ечилишида олға қўйилган қадамлардан бири бўлди.

Китобда асрлар давомида яратилган маънавий қадриятларимизни ўрганиш ва уни кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёш авлод онгига сингдириш миллий мафкурамизни мустаҳкамлаш борасидаги муҳим вазифалардан бири сифатида эътиборга олинган.

Шунингдек, миллий қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, мафкура, миллий мафкура, маънавият, миллий ғоя ва миллий қадриятларнинг келиб чиқиш илдизлари, уларнинг истиқлолни мустаҳкамлашдаги роли ҳақида сўз юритилади.

Унинг янги ўзбек алифбосида нашрдан чиққанлиги ҳам эътиборлидир.

Қўлланмада буюк бобокалон алломаларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад аз-Замахшарий, Бурҳониддин ал-Марғиноний ва бошқа алломалар ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Бизнингча, ушбу ўқув қўлланмаси янада мукаммаллашган ҳолда, қайта нашр қилиниши лозим. Чунки, бунга эҳтиёж бор.

Ушбу қўлланмада мавҳум ва мужмал тушунчалардан воз кечиб, унинг ўрнига, инсон, инсон тақдири, унинг бахт-саодати, миллат, ватан, ватанпарварлик, миллий истиқлол, миллий давлат, ижтимоий тараққиёт сингари тушунчаларга жиддий ёндашилган. Зеро, буларнинг барчаси келажак эгаси—ёшларимиз онгида акс-садо бериши муқаррардир.

А.АБДУСАМЕДОВ,
диншунослик фанлари доктори, профессор





«ВАТАН АБАДИЙ»ДИР ҲАР БИР КЎНГИЛДА

Талабалигимизнинг сўнгги йили бошларида факультетимиз ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида шоирлар билан ижодий учрашув уюштириладиган бўлди. Бу тадбирни ташкиллаштириш каминанинг зиммасига тушганлиги учун бир ўртоғим билан уюшмага йўл олдик. Севимли шоиримиз, марҳум Муҳаммад Юсуф билан суҳбатимиз асносида "иш пишди". Учрашувга ўзлари, Сирожиддин Саййид ва Рустам Мусулмонлар боришадиган бўлди.

Адабиётсеварлар билан тўла залда Муҳаммад ака яқин кунларда "тандирдан узган" шеърларидан бир жуфт айтдию, зарур иши борлиги туфайли (айнан ўша куни-я) кетишга шайланди. Дарвозадан кузатар эканмиз, шоиримиз машина ойнасидан бошини чиқарди-да, кулимсираб Сирожиддиндан "Тошкент оқшоми"да ишлаган вақтидаги навбатчиликда содир бўлган кулгили воқеани айтиб беришини сўранглар", деб қолди. "Майли" деганча, хайрхўшлашиб залга қайтиб кирганимда, шоирлар Сирожиддин Саййид ва Рустам Мусулмонлар билан талабалар ўртасида мушоираю савол-жавоблар авжига чиққан эди. Мавриди келганда Сирожиддин акага ўша саволни бердим. Лекин жавоб ололмадим...

Муҳаммад ака эслаган воқеанинг қандай бошланиб, қай тарзда тугаганини ҳалигача билмайману, лекин Сирожиддин Саййиднинг жиддий инсон эканлигини ҳис қилганман ўшанда.

Яқинда шоирнинг "Ватан абадий" номли ("Шарқ" НМАК Бош таҳририяти, Тошкент.) шеърлар китобини ўқидиму Сирожиддин Саййиднинг ижоди ҳам жиддийлигини яна бир бор англадим.

Аслида ҳам ҳар қандай ишга жиддий ёндошилгандагина у кутилган самарани беради. Мана, қўлимизда ана шундай меҳнат самараси: "Ватан абадий"

... Бобо қирлардаги бир хас
ё тикан,
Шу ҳам кимларгадир зўр
армон экан,
Кўп экан зар топиб,
зор бўлиб юрган,
Ватан қолар экан,
Ватан абадий...

... Аста барг тўкмоқда
зарҳал оғочлар,
Умр гўё тўлар божу
хирожлар,
Келиб кетар экан қанча
Сирожлар,
Ватан қолар экан,
Ватан абадий...

Ҳаёт фалсафаси билан йўғрилган Ватан ҳақидаги шеър. Бу мавзудаги шеърни ҳар қандай ижодкор ижодида кўришимиз мумкин. Лекин ватан мавзуси ҳар қайси қаламда турли кўринишда яратилади, товланади. Сирожиддин Саййид ижодида Ватан мавзуси бошқаларда учрамайдиган тарзда талқин этилади. Дарвоқе, Ватанни ким қандай ўрганиши мумкин? Ҳар кимнинг жавоби ҳар хил. Сирожиддин Саййиднинг жавоби эса қуйидагича:

Мен Ватанни на китоб, на
Жаридадан ўрганганман,
Момоларнинг юзидаги
Харитадан ўрганганман...
("Ватанни ўрганиш" шеъридан)

Шоир сўзи билан айтиладиган "Эгаси бор юртнинг эртаси бордир" номли қўшиқни эшитмаган киши кам топилади юртимизда. Ушбу қўшиқда шундай сатрларни учратамиз:

Қалдирғочларга бер айвонларингни,
Қушнинг ҳам бек билан бекаси бордир.
Сингилжон, экавер райҳонларингни,
Эгаси бор юртнинг эртаси бордир...

Бу сатрлар шундай рамзий маъно касб этадики, қалдирғоч ҳамма вақт тинч хонадонда макон қуради, замонасидан масрур кишилар райҳон ҳиди билан тинчлик бўйини бирга ҳис этадилар... Чунки улар эртаси бор юрт фарзандлари.

"Ватан абадий"ни ўқий туриб шунга амин бўлдимки, у шунчаки жавонда қолиб кетадиган китоб эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир кишининг дилида "Ватан абадий" бўлсин. Чунки бу тўплам Ватанни, кўнгилни эндигина ўрганаётганларга ўзига хос дарслик ҳамдир.

Шерали НИШОНОВ

ТАЪЛИМ МОНИТОРИНГИГА КЎМАКЧИ

Истиқлолнинг бир неча ўн йилларга тенг 11-йили ўтиб борар экан, таълим тизимидаги ислоҳотларнинг дебочаси — олий ўқув юртларига кириш учун имтиҳоннинг янги усули — тестнинг жорий қилинганига ҳам шунча йил тўлмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу янги усул такомиллашиб, барчанинг ишончини қозониб бораётир. Давлат тест маркази томонидан чоп қилиниб борилаётган тест саволлари мажмуаси — "Ахборотнома"нинг бу йилги 1-сони нашрдан чиқди. Ҳар галгидек, уларда мос равишда ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти билан бирга, инглиз, немис, француз тиллари, тарих математика, физика, биология, химия ва географиядан тест саволлари мажмуи тақдим этилган.



Шунингдек, ДТМ томонидан тайёрланган "2001 йилги тест якунларининг дидактик аспектлари" китоби ҳам нашрдан чиқди.

ДТМ жамғармасидаги минглаб тест топшириқларини абитуриентлар қандай бажарганини статистик ишлаб чиқиш, ҳар бир фан бўйича тест натижаларининг ўқитувчилар савияси, умумтаълим мажмуасининг юқори сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, стандартлар ва дарсликлар билан таъминланганлиги каби асосий дидактик омилларга боғлиқлигини аниқлаш имконини беради. Натижаларининг статистик таҳлили ўқув жараёнининг таълим стандартлари, дастурлар, ўқув жараёнини режалаштириш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, таълим шакллари ва методлари, педагогик кадрларнинг тайёргарлик даражаси, тест топшириш технологияси ва маданияти, малака ошириш тизими каби асосий дидактик омилларга боғлиқлигини кўрсатиб беради. Мисол учун, таълимни стандартлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларнинг ҳам ўқув фанлари ўртасидаги, ҳам фанларнинг бўлимлари ўртасидаги билим даражасини тенглаштиришдир. Тест натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, жавоблар самарадорлиги фан бўлимлари бўйича тенг эмас, энг катта тафовут инглиз тили (46,49) билан немис тили (26,12) ўртасида ҳамда биология (42,31) билан ўзбек тили (26,69) ўртасида кузатилади. Бу эса ўқув фанлари ва уларнинг бўлимларини тенг равишда ўзлаштириш учун умумтаълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ҳали кўп ишлар амалга оширилиши лозимлигини кўрсатиб турибди.

Китобда, шунингдек, тест натижаларининг республика минтақалари бўйича таҳлили, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз тили, қорақалпоқ тили ва адабиёти, тарих, физика, химия, биология, география фанлари бўйича натижалар таҳлили батафсил берилган. Таҳлиллар натижасида намоён бўлган камчиликлар амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан йўл-йўриқ, йўналиш, таклифлар кўрсатиб ўтилган.

Тест жамғармаси бойиган сари, уларнинг мураккаблик даражаси кўтарилиб бормоқда. Бу эса, абитуриентлар ичидан энг лойиқ, истеъдодлиларини танлаб олиш имкониятини оширади. Ўз навбатида бу таълим муассасаларида ишга қай даражада ёндошилаётгани билан боғлиқдир. "2001 йилги тест якунларининг дидактик аспектлари" китоби таълим мониторингини амалга оширишда уларга муҳим кўмакчи вазифасини ўтайди.



СИФАТЛИ БИЛИМ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ БИЛАН

Пойтахтимиз мактаблари ўртасида ўтказилган «Йил мактаби-2001» кўрик-танловида Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 17-мактаб (директори Л.Алиева) ғолиб чиқиб, ушбу танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Мазкур таълим даргоҳи 1971 йилдан ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, у 1420 ўринга эга. Шуни таъкидлаш лозимки, мактаб лингвистика—тилшунослик йўналишига ихтисослашган. Унда ўқувчилар ўзбек ва рус тилларини қунт билан ўрганишлари баробарида бошланғич синфданоқ инглиз тилини, сўнгра эса араб ва олмон тилини ўзлаштириб боришади. Бу борада ЎзДЖТУ ва ТДШИ қошидаги академик лицейлар ҳамда мактаб ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, дарсларнинг самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишларини кучайтириш, ўтилган мавзуларнинг ўқувчиларга тушунарли ва қизиқарли бўлишида мактаб моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги етакчи ўрин тутади. Бу борада таълим ўчоғида кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқдаки, улар албатта ўз самарасини бераётир. Мактабда сўнгги икки йил мобайнида ҳомийлар, оталиқ ташкилотлар ҳамда ота-оналар кўмагида синфхоналарининг 70 фоизи янги ўқув-техника воситалари билан таъминланди. Қолаверса, «Чет тиллар мониторинги» хонаси 150 минг сўмлик, «Мониторинг» хонаси 1 миллион сўмлик ўқувчилар ошхонаси эса 100 минг сўмлик қийматдаги жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ташқари, мактаб қайта капитал таъмирдан чиқарилиб, ўқувчиларнинг тоза, кенг ва ёруғ синфхоналарда дарсларни ўтишларига шароитлар яратилди.

Таълим тараққиётини таъминлашда даргоҳнинг мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, ўқувчини 1-синфга қабул қилишда боланинг ёш хусусияти, саломатлиги ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия бериши муҳим. Шу боисдан ҳам мактабда руҳшунос хизмати йўлга қўйилган бўлиб, у нафақат болани мактабга қабул қилишда, балки ундан кейинги боланинг ривожланиш даври мобайнида ҳам, ўқитувчи, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига фойдали маслаҳатлар бериб боради. Бошланғич синф ўқувчиларининг мактабга мослашиш жараёни, ўрта мактаб ўқувчилари орасидаги, ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ота-она муносабатлари, юқори синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш борасида ҳам руҳшунос мутахассиснинг олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилишида педагог кадрлар малакасини ошириш, ёш ўқитувчиларнинг тажрибаларини доимий бойитиб бориш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Эътиборлиси, мактабда «Ёш ўқитувчилар мактаби» бир неча йиллардан буён фаолият юритиб, ёш муаллимларга янги педагогик технологиялар асосида дарсларни олиб боришда нималарга эътибор бериш, машғулотларни қандай ташкил этиш тўғрисидаги услубий ва амалий маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Асосийси, мактабда ўқувчиларнинг ўз тарихини билишлари, ўзлигини англашлари мақсадида тарих фанларига етакчи ўрин берилган. Баъзи дарсларнинг Самарқанд, Бухоро, Туркистон шаҳарларида бевосита тарихий ва муборак қадамжоларнинг ўзида олиб борилиши ёшларнинг бу фанни яхши ўзлаштиришларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, иқтидорли ва билимли ўқувчиларнинг чет эл давлатларида ҳам таҳсил олиб қайтишлари диққатга сазовор. Мисол учун, ўтган йиллар мобайнида мактаб ўқувчиларидан Наргиза Азизова Ҳиндистонда, Санжар Холмуродов эса Хитой давлатида ўз билимларини ошириб қайтишди.

Илм даргоҳида ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб боришлари учун барча қулайликлар яратилган. Мактабда 2 та спорт зали ва 1 та ёзги спорт майдони бўлиб, улар зарур спорт анжомлари билан таъминланган. Доимий равишда турли спорт мусобақалари, ўртоқлик учрашувлари, спартакиадаларнинг ўтказилиши ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширмоқда. Мактаб ўқувчилари орасида спорт турларининг кўплаб йўналишлари бўйича жаҳон миқёсида ўтказилган баҳсларда фахрли ўринларни эгаллаганликлари эса ўқитувчию ўқувчиларни ғурурлантиради.

Мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил этишга ҳам эътибор катта бўлиб, уларнинг мунтазам фаолияти йўлга қўйилган. Албатта, бу эзгу ишлар самараси ўлароқ, мактаб ўқувчиларининг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичлари юқори. Биргина 2000-2001 ўқув йилини оладиган бўлсак, шу йили мазкур мактабни битирган 124 нафар битирувчиларнинг 103 нафари олий ўқув юртлари талабаси бўлишининг ўзиёқ ёшлар таълим-тарбиясига мактабда эътибор бўлакча эканлиги далилидир.

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА...

Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларидан бири — Ангрен шаҳрининг Облик қишлоғида 29-умумий ўрта мактаб бор. Бундан қарийб чорак аср муқаддам ўз фаолиятини бошлаган мазкур илм масканида бугунги кунда 894 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир.

Мактабдаги таълим-тарбия жараёнининг бугунги кун талаблари даражасида ташкил этилиши, давр билан ҳамнафас ўқитувчилар салоҳиятининг кундан-кунга ортиб бориши, албатта, раҳбарият ҳамда жамоанинг изланувчанлиги, ташаббускорлиги, ишбилармонлик ва тадбиркорлиги, зукколигига бевосита боғлиқдир. Айниқса, қайсики жойда раҳбарда шундайин хусусиятлар мужассам бўлса, у ерда муваффақият кафолатланади.

Мактаб директори З.Шокирхонова 1998 йилда республикамизда биринчилардан бўлиб TACIS орқали "Таълим тизимини ислоҳ қилишда халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига кўмаклашув" лойиҳаси бўйича Буюк Британияда малака ошириб қайтди. 2000 йилда эса "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринлардан бирига сазовор бўлди.

Тиниб-тинчимас, доимо янгиликка ташна, изланувчан раҳбар Зарифа опа Шокирхонова бошлиқ педагогик жамоа айни чоғда мактабда таълим-тарбия ишларига Давлат таълим стандартлари талаблари асосидаги янги педагогик технология элементларини жорий этиш масалаларига диққат-эътиборини қаратган. Бу борада "Йил мактаби" кўрик-танловига кимё фани ўқитувчиси К.Ҳошимованинг "Кислороднинг олиниши ва хоссалари", бошланғич синф ўқитувчиларидан Х.Ғиёсованинг "Алишер Навоий — эл ардоқлаган шоир", Г.Турсунматованинг "Аждодларимиз — фахримиз", Р.Шукурованинг математикадан "20 сони", З.Аминованинг "Ўқиш дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг самарали услублари", меҳнат фани ўқитувчиси О.Маҳмудованинг "Халқ ҳунармандчилиги технологияси бўйича "Қуроқ" усулида буюмлар тикиш", тасвирий санъат фани ўқитувчиси О.Ўролованинг "Натюрморт", математика ўқитувчиси Д.Усмоналиеванинг "Математика фанида лирик муносабатни таркиб топтириш", рус тили фани ўқитувчилари Д.Нигматованинг "Ким кўп ўқиса, ўша кўп билади", З.Миралиеванинг "Рус тили фанидан мактаб олимпиадаси кўринишлари" мавзуларида тайёрлаган рефератлари, дарс ишланмалари диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, сўнгги пайтда ҳар томонлама ижодий ишлаётган она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Г.Зокированинг "Мумтоз адабиёт дурдоналари миллий бойлигимиз", З.Шокирхонованинг "Бобурнинг ҳаёти ва ижоди — намуна мактаби", М.Қаюмованинг "Саида Зуннунованинг "Руҳ билан суҳбат" достонидаги тимсолларни ўрганиш" мавзуларида иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Мактаб педагогик жамоаси томонидан "Аёл борки, олам мунаввар", "Маърифат юлдузлари" каби мавзуларда тайёрланган тарбиявий тадбирлар мактаб ўқувчиларининг ҳар томонлама камол топишига омил бўлмоқда.

Кўриб турганингиздек, мактабдаги таълим-тарбия жараёнида буюк алломалар, мутафаккир-мураббийларнинг меросини ўрганиш ва амалда қўллаш, ўқувчиларнинг маънавий-маърифий фазилатларини бойитиш, маданий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш ва улардан ўқув-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Шунингдек, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш йўллари, ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг самарали услублари ҳам ишлаб чиқилгандир.

Мана бир неча йилдирки, мактабда "Парвоз" болалар ташкилоти "Келажак бизнинг қўлимизда" шиори билан фаолият кўрсатмоқда. Яна битта диққатга сазовор томони шуки, мазкур мактаб Тошкент вилоят Давлат педагогика институти билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Мактаб ва институт ўртасидаги ҳамкорликнинг самарасини 2001 йил 1 декабри ҳолатигача бўлган қуйидаги маълумотдан кўрсак бўлади: мактабнинг собиқ ўқувчиларидан 9 нафари мазкур институтнинг тарих, 5 нафари хорижий тиллар, 2 нафари ўзбек филологияси, 5 нафари тиббиёт-география, 3 нафари математика ва касбий таълим, 2 нафари бошланғич таълим услубиёти факультетларида таҳсил олишмоқда. Бундан ташқари, мазкур мактаб учирма қилган ёшлар таълимни пойтахтимиздаги қатор олий ўқув юртларида, янги турдаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида давом эттиришмоқда.

Бу ерда меҳнат, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш масалалари ҳам яхши йўлга қўйилган, десак асло янглишмаймиз. Мактаб устахоналарида ўқувчилар дурадгорлик ва чилангарлик сирларидан воқиф бўлишаётир. Ёрдамчи хўжалик — мактаб боғида эса ўғил-қизлар ота-боболарининг боғдорчилик анъаналарини давом эттиришмоқда. Оилага тайёргарлик борасида қизлар маиший меҳнат турлари билан машғул.

Мактабда ўқувчиларнинг дарсдан, синфдан ташқари фаолиятларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қатор фан тўгараклари, шу жумладан, миллий ҳунармандчиликка асосланган тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Болалар онгини юксалтириш борасида фаолият кўрсатаётган "Моҳир қўллар", "Халқ қўшиғи", "Соғломжон-полвонжон", "Эртаклар оламида", "Ёш математик", "Ёш табиатшунос", "Физика ва ҳаёт", "Тўқиш", "Тарих", "Ёш театрчилар", "Ёш ўлкашунос", "Сирли олам" каби болаларнинг қизиқишлари бўйича ташкил этилган фан тўгаракларида ҳамда "Ниҳол" драма тўгарагида жами 314 нафар ўқувчи иштирок этмоқда.

ИХТИСОСЛАШГАН МАКТАБ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Эътибор берсангиз, "Йил мактаби—2001" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритган мактабларнинг аксарияти махсус йўналишларга ихтисослашган, маълум фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган даргоҳлардир. Хоразм вилоятида ушбу танловда биринчи ўринни олган Урганч шаҳридаги 3-ихтисослашган мактаб (раҳбари Э.Пак) ҳам шундай махсус ўқув муассасаларидан бири. Мактаб инглиз тили, иқтисод ва математикани чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган.

Сўнгги уч йилда мактабни 242 нафар ўқувчи битириб чиққан бўлса, уларнинг 85 фоизи бугун юртимизнинг турли нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар. Энг муҳими, мактаб-гимназияда мониторинг хонаси фаолият кўрсатмоқда, натижалар эса ҳар чоракда таҳлил этилмоқда.

Мактаб ўқувчилари фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Мисол учун 2000-2001 ўқув йилида мактабнинг 23 нафар ўқувчиси шаҳар олимпиадасида совринли ўринларга сазовор бўлишди. Сўнгги уч йил ичида мактабнинг 5 нафар ўқувчиси республика фан олимпиадаларида вилоят шарафини ҳимоя қилишди.

Мактабда ўқитувчилар малакасини ошириш ва маҳоратини чархлашнинг аниқ режалари ишлаб чиқилган. Ўқитувчилар "Тинчлик корпуси", "АКСЕЛС", "Очиқ жамият институти Ўзбекистон" (СОРОС жамғармаси) каби халқаро ташкилот ва жамғармалар билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Сўнгги 2 йилда мактаб ўқитувчиларининг 18 фоизи мазкур ташкилот ва жамғармалар томонидан ўтказилган семинар ва дастурларда иштирок этдилар.

Кўп йиллардан буён илм масканида "Изланиш" гуруҳи фаолият олиб бораётир. Унда тажрибали, истеъдодли, ижодкор ўқитувчилар уюшган бўлиб, методик қўлланмалар, замонавий ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан шуғулланилади.

Мактабда янгитдан ишга келган ёш мутахассисларга эътибор катта. Бу борада уларга "Ёш ўқитувчилар мактаби" уюшмаси кўмакчи бўлиб келмоқда.

2000-2001 ўқув йилидан бошлаб ўсмирлар учун ишонч маркази фаолиятини бошлади. Мазкур Марказнинг юзага келишида Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон жамғармасининг ёрдами катта бўлди. Марказ раҳбари Ольга Серова АҚШнинг USAID Агентлиги ҳомийлигида Санкт-Петербург шаҳридаги "Александра" кризис марказида малака ошириб қайтди. Бугунги кунда "Винрок Интернейшнл"нинг бошланғич гранти доирасида уч йўналиш: ўзига ишонч тренинги, ўғил ва қиз болалар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ҳуқуқ оламига саёҳат йўналишлари бўйича таълим дастурларини синовдан ўтказишмоқда. Апрель ва май ойларида ишонч телефони ҳамда психологик маслаҳатхона фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Мактабнинг инглиз тили ўқитувчилари Зинаида Ким ва Татьяна Енгулатова АКСЕЛС ташкилоти томонидан ўтказилган "Ўқитишдаги муваффақиятлари учун соврин" танловининг иккинчи босқичида ғолиб чиқиб, 200 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти ҳамда 200 АҚШ доллари миқдоридаги компьютер, принтер, нусха кўчириш аппарати, аудиомагнитофон соҳиби бўлдилар.

2000 йили захира маркази ташкил қилинган бўлиб, у инглиз тилидаги адабиётларни жамлаш ва ўқувчиларга тарқатиш, улар ўртасида ахборот маданияти, китобга меҳр, ўқиш маданияти, кутубхона билан муносабатни тарбиялаш, инглиз тили ўқитувчиларига методик ёрдам кўрсатиш каби вазифаларни ўз зиммасига олган.

Сўнгги 5 йил давомида мактабнинг 15 нафар ўқувчиси АКСЕЛС дастурлари бўйича АҚШда ўқиб келди. 5 нафар ўқитувчи эса республика Халқ таълими вазирлиги ва АКСЕЛС ташкилоти биргаликда ўтказган "Соҳадаги муваффақиятлар" танловида ғолиб чиқишди. Уларнинг уч нафари АҚШда уюштирилган семинарда иштирок этиб қайтишди.

Мактаб жамоаси турли спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. 2000 йили "Қувноқ стартлар" республика телевизион танловида 3-мактаб-гимназия жамоаси 2-ўрин соҳиби бўлди.

БЕШ ЙИЛДА 28-ЎРИНДАН 2-ЎРИНГА

Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 18-мактаб (директори Улаш Қораев) 1961 йил ташкил этилган бўлиб, ҳозирда унда 592 нафар туман ўқувчилари таҳсил олмоқдалар. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабда ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. 120 ўринли ошхона, алоҳида спорт зал, 16 та фан синф хоналари мавжуд бўлиб, улар зарур ўқув техника воситалари билан таъминланган. Даргоҳда 39 нафар фидойи ўқитувчилар ўқувчилар таълим-тарбиясига масъулдирлар. Дарсларни мазмунли ташкил этиш, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида ўқитувчилар томонидан 4500 дона кўргазмали қуроллар, 50 дона методик тавсия ва ишланмалар тайёрланган. Улар асосида олиб борилаётган дарслар эса ўқувчиларнинг билим даражасини оширишда асқотаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, мактабда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларга касб-ҳунар ўргатиш мақсадида 8 та фан тўгараклари, 9 та турли хил ўқувчиларнинг ижодий изланувчанлигини ошириш, уларда яратувчанлик туйғуларини ошириш мақсадида ташкил этилган ижодий тўгараклар, 3 та спорт (футбол, волейбол ҳамда баскетбол) тўгараклари ва ўғил-қизларни ёшлигидан она-табиатга нисбатан муҳаббат, тарихимиз, аждодларимиз меросини ўрганиш, уларга муносиб ворис бўлиш ҳиссини уйғотиш учун мактабда болалар ва ўсмирлар марказидаги ўлкашунослик тўгараклари фаолият юритмоқда. Айни пайтда мактаб ўқувчиларининг 88 фоизи ушбу тўгаракларга жалб этилган. Эътиборлиси, мактабда толиби илмларнинг ўқишга—китобга бўлган қизиқишларини оширишда муҳим ўрин тутадиган кутубхонага, унинг китоблар фондини бойитишга етакчи аҳамият қаратилган.

Биргина 1998-2001 йиллар мобайнида мактаб кутубхонасига 2314 дона бадиий ва сиёсий адабиётлар, 6392 дона дарслик ўқув-қўлланмалари олиб келинди. Ҳозирда мазкур кутубхонада 13630 дона китоблар бўлиб, шунинг 6585 донаси дарслик ва қолган 7045 донаси эса ўқувчиларнинг бадиий, сиёсий ва маънавий билимларини оширишга хизмат қилувчи нодир қўлланмалардир. «Энг яхши сақланган дарслик», «Фаол китобхон», «Китоб байрами» каби тадбирларнинг тез-тез ўтказиб борилиши ҳам ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Мактабда болаларни биринчи синфга қабул қилишга масъулият билан ёндашилади. Зеро, ўқувчининг ёшлигидан қобилиятини аниқлаш ва уни босқичма-босқич ривожлантириб бориш бола тарбиясида муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам биринчи синф ўқувчилари тиббий, психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси асосида туман ташхис маркази билан келишган ҳолда амалга оширилади. Болаларнинг қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун ўқувчининг қизиққан фани бўйича чуқур билим бериш мақсадида бошланғич таълимда ихтисослашган синфлар ташкил этилган.

Ташхис маркази кўмаги билан мактабнинг битирувчи синф ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, билимларини оширишга ҳам мактабда эътибор бўлакча. Илм ўчоғи тумандаги мавжуд учта касб-ҳунар коллежлари билан мунтазам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган бўлиб, ўқувчилар билим олиш билан биргаликда ҳунар ҳам ўрганиб борадилар.

Кадрлар сифатини яхшилаш ҳам илм даргоҳининг юқори натижаларни кўрсатишига замин ҳозирлайди. Бу борада ушбу даргоҳда ўқитувчиларнинг билимдон, ўз фанининг етакчи мутахассислари бўлишларига, изланувчан, тараққиётга интилувчанлигини оширишга ҳам эътибор қаратилган. Бу қилинаётган эзгу ишларнинг самараси сифатида ўтган йилларда мактаб жамоаси туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танлов, баҳсларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг умумтаълим фан олимпиадаларидаги иштироки таҳсинга лойиқ. Мисол учун, 1999-2000 ўқув йилида 10-синф ўқувчиси Камол Бўриев «техник графика асослари» фанидан баҳсларнинг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, адабиёт фани бўйича бўлган синовларда 10-синф ўқувчиси З.Эгамшукурова ҳам вилоят босқичида худди шу натижа билан фахрли ўринлардан бирини эгаллади. 2000-2001 ўқув йилларида эса мактабнинг 4 нафар 11-синф ўқувчилари — Ҳ.Арслонов немис тили фанидан 3-ўрин, Н.Сайханов география фанидан 2-ўрин, З.Эгамшукурова ва К.Бўриевлар адабиёт ва «техник графика асослари» фанларидан баҳсларда иштирок этиб, фахрли 2-ўринга лойиқ топилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 18-мактаб йил сайин туманда энг намунали маскан сифатида рейтинги ошиб бормоқда. 1997 йилда ўқув йили якунига кўра, мактаб туманда умумий кўрсаткичлар билан 28-ўринга лойиқ топилган бўлса, 1998 йили у 18-ўринга, 1999 йилда 9-ўринга, 2000 йилда 8-ўринларга кўтарилди. 2001 йилда эса бу кўрсаткичлар мактабнинг иккинчи ўринни эгаллашига олиб келди.

Тараққиёт — изланишда. Мазкур мактабнинг таълимда юқори натижаларга эришишларида ҳам ўз касбига муҳаббат билан ёндашиш, авлодлар келажагига масъуллик ҳисси, изланиш ётган бўлса ажаб эмас.

«ЗИЁ»НИНГ ЧАРОҒОН НУРЛАРИ

Фарғона вилояти, Учкўприк туманидаги "Зиё" иқтисод лицей-интернати (раҳбари С.Сотиволдиева) вилоятдаги энг илғор таълим муассасаларидан бири. Буни лицей-интернат ўқувчиларининг олий ўқув юртларига кирганлиги ҳақидаги маълумот ҳам тасдиқлайди. 1999 йили битирувчиларнинг 85 фоизи олий ўқув юртлари талабаси бўлган эди, 2000 йили бу кўрсаткич 90 фоизни, 2001 йили эса 100 фоизни ташкил этди.

1986 йили ташкил қилинган ушбу ўқув муассасасининг эришаётган ютуқларига тажрибали, изланувчан педагогик жамоанинг уюшганлиги асос бўлмоқда. Лицей-интернатда 27 нафар ўқитувчи ёшларга таълим бераяпти. Уларнинг барчаси олий маълумотли. 7 нафари олий, 8 нафари биринчи тоифали, шунингдек, 4 нафари халқ таълими аълочиси, 1 нафари методист, 1 нафари катта ўқитувчи ҳисобланади. 11 нафар ўқитувчининг иш тажрибалари туман, вилоят ва республикада оммалаштирилган.

Лицей-интернатда ўқувчилар билимигина эмас, ўқитувчилар фаолияти ҳам ҳар чоракда рейтинг усули бўйича баҳоланиб борилади. Шу асосда ўқитувчилар илк жараёни таҳлил этилиб, юқори кўрсаткичга эришган ўқитувчи ва ўқувчилар тақдирланадилар.

Она тили, адабиёт, рус тили, ЭҲМ фанлари бўйича ўқув хоналари туман миқёсида намунали фан хоналари ҳисобланади. Янгича услубда дарс ўтиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар чоракда ҳар бир ўқитувчининг ноанъанавий усулдаги очиқ дарслари ташкил этилади. Ҳар бир дарснинг турли усулларда, кўргазмалар воситасида ўтилиши анъанавий бўлиб қолган. Булар лицейда кўргазмали семинар ва очиқ дарслар ташкил этилганда намоён бўлмоқда. Мисол учун, ўтган ўқув йилида вилоятда ўтказилган Республика ўқитувчиларининг тил анжумани иштирокчиларидан бир гуруҳи лицей-интернатда бўлиб, она тили ва адабиёт ўқитувчилари Х.Ҳайдарова ҳамда О.Юсупованинг "Тил фанининг бўлимларини юзасидан такрорлаш бўйича саёҳат дарси", "7-синфда иш қоғозлари: ариза, маълумотнома ёзишни ўргатиш" мавзуидаги дарсларини кузатдилар ва дарсларга ижобий баҳо бердилар. Ҳар иккала ўқитувчининг илмий-услубий маърузалари ва дарс ишланмалари анжуман қатнашчиларига тавсия этилди.

Лицей-интернат ўқувчиларининг фан олимпиадаларида эришган натижалари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида 8 нафар ўқувчи туманда юқори кўрсаткичларга эришиб, вилоят олимпиадасида иштирок этди ва юқори ўринларга эга бўлди.

Лицейда 22 та фан тўгараги бўлиб, уларга 293 нафар ўқувчи жалб қилинган. 15 та фан хоналари, 1 та 11 ўринли компьютер хонаси, тиббийхона, кутубхона ва турли вазифаларга мўлжалланган 8 та қўшимча хоналар мавжуд. 180 ўринли қишки ва ёзги ошхоналар, буфет, баскетбол, волейбол майдонлари ва теннис кортига эга универсал спорт комплекси ўқитувчи ва ўқувчилар хизматида. 10 сотихли боғ қўшимча маблағ ишлаб топишга хизмат қилмоқда. Керакли техника воситалари етарли. Кутубхона ҳам зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ўқувчиларга маънавий, маърифий, ҳуқуқий билим беришда, уларда соғлом тафаккурни шакллантиришда турли хил тадбирлар, кўрик-танловларнинг ўтказилиши катта самара бермоқда. 1998 йили лицейнинг "Адолат" гуруҳи "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловида иштирок этиб, туманда 1-, вилоятда 3-ўринни эгаллашди. 2001 йили "Сен балоғат ёшидасан" танловининг вилоят босқичида "Зиё" ўқувчилари 2-ўринга сазовор бўлдилар.

"Ўзбекистон фуқаросиман" кўрик-танловида "Зиё" гуруҳи вилоят босқичида 2-ўрин соҳиби бўлди. "Ўйла, изла, топ" республика телемусобақасида лицей-интернат жамоаси энг кўп балл тўплаб ғолиб гуруҳлардан бири бўлди.

Ҳуқуқ-тартибот фанлари ходимлари, санъаткорлар, шоир-ёзувчилар билан очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари, экскурсия, жисмоний ва соғломлаштириш тадбирлари, мусиқали дам олиш соатлари, "Заковат" билимлар биноси ўйини, мушоира кечалари, "Балли, йигитлар", "Қизлар даврасида" танловлари, энг ибратли оила аъзолари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб борилади. "Ўсмирлар клуби", "Қизлар клуби", "Балоғат бекати" клуби фаолият олиб бормоқда.

Ҳар душанба куни ота-оналар учун "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилинган. Палахон, Учкўприк, Деҳқонов, Отажонов, Кенагас қишлоқ кенгашлари ва улар ҳудудида жойлашган қишлоқ фуқаролар йиғинида ота-оналар билан ишлаш секциялари фаолияти йўлга қўйилган.

Муҳандис кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, Фарғона минтақасининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида, 1991 йилда республика Ҳукуматининг қарорига асосан, Тошкент машинасозлик институтининг Наманган филиали базасида саноат-технология институти ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги қарорига биноан, Наманган саноат-технология институти муҳандислик-педагогика институтига айлантирилди ва касб-ҳунар коллежлари учун малакали муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича базавий (таянч) олий ўқув юрти сифатида белгиланди.

САЛОҲИЯТГА ЯРАША СИФАТГА ИНТИЛАЯПМИЗ

Институтимиз бугунги кунда ўз талабаларига замонавий олий маълумот берувчи ва уларнинг ижодий баркамоллиги учун етарли шарт-шароитларни кафолатловчи олий ўқув юртидир. Бу ерда иқтисодиёт ва халқ хўжалиги учун муҳим ҳисобланган соҳалар — саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ҳамда касб-ҳунар коллежларида самарали фаолият кўрсата оладиган юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Таълим иқтисодиёт, қурилиш, технология, механика, машинасозлик, информатика ва малака ошириш факультетларида 25 та кафедрага жипслашган ҳолда олиб бориляпти. Кундузги ва сиртқи бўлимларда 3200 нафар талабалар бакалавриатнинг 17 таълим йўналиши ва магистратуранинг 9 та ихтисослиги бўйича илм-фан сирларини ўрганмоқдалар. Улар ўзларини мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишдай муқаддас вазифани ҳал этишга тайёрлашмоқда. Талабаларга 200 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар, жумладан, 10 нафар фан доктори, профессор ва 105 фан номзоди-доцентлар таълим-тарбия беришмоқда.

Мустақиллик даврида институт моддий-техника базасини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва жаҳон андозаларига мослаштириш, профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори касб малакасига эга бўлган, маънавий етук мутахассислар тайёрлаш соҳаларида, айниқса, улкан ютуқларга эришилди. Кейинги йилларда 12 та янги таълим йўналишлари ва ихтисосликлари очилди, касбий-педагогик йўналишлари сони 2 тадан 9 тага кўпайтирилди ва касб-ҳунар коллежларида институт кафедраларининг 9 та филиали ташкил этилди.

1999 йилда институтда 9 та ихтисослик бўйича магистратура очилди ва унга бакалавриатни битирган иқтидорли ёшлар қабул қилинди. Ҳозирги кунда магистратурада 125 нафар талаба таълим оляпти. Магистратурани битирган 58 нафар юқори малакали мутахассислар эса республика иқтисодиётининг турли соҳаларида ҳамда таълим-тарбия тизимида самарали фаолият кўрсата бошлашди.

Ўзининг замонавий моддий-техника ва ўқув лаборатория базаси, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, ижтимоий инфратузилмалари жиҳатидан институт республика олий ўқув юртлари орасида салмоқли мавқега эга. Иккита шинам ўқув биноси, ўнлаб замонавий ўқув ва илмий лабораториялар, компьютер маркази, кутубхона, 560 ўринга эга бўлган талабалар уйи, энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган нусха кўчириш, кўпайтириш бўлими ва бошқалар талабаларнинг чуқур билим олишлари учун хизмат қилмоқда.

Институт кутубхонаси бой фондга эга. Бу ерда 40 дан ортиқ халқаро фондлар ва элчихоналар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, улардан 500 номдаги ўқув-илмий адабиётлар, компакт дисклар ва видеокассеталар олинди.

Анъанавий, мумтоз маънодаги кутубхона билан бир қаторда фаолият кўрсатувчи электрон кутубхонанинг ташкил этилгани ва унда 30 дан ортиқ "Pentium II" ва "Pentium III" типидаги компьютерлар ўрнатилиб, уларнинг Интернет тармоғига уланган талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун айни муддао бўлди. Институтнинг халқаро интернет тизими билан мунтазам алоқа ўрнатгани ва хорижий мамлакатлар кутубхоналари билан бевосита алоқага чиқиб, зарур маълумот ва ахборотлар олиш имкониятига эга бўлгани таълим мазмуни ва сифатини оширишнинг муҳим омили бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ.

Талаба қандай дам олади? Бу ҳам эътибордан четда эмас. Иккита ёпиқ замонавий спорт заллари, очиқ стадион, 2 та теннис корти, 300 ўринли "Олтин давр" умумий овқатланиш мажмуаси ёшлар гавжум жойга айланган.

Iliy dastur amalda

Юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида 1994 йилда институтда менежмент ва ноорганик моддалар технологияси ихтисосликлари бўйича аспирантура очилиб, аспирантларга тажрибали ва юқори малакага эга бўлган фан докторлари, профессорлар илмий раҳбар қилиб тайинланган. Ривожланган чет эл ва мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимлар касб малака даражасини ошириб бориш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. 20 нафар иқтидорли профессор-ўқитувчилар АҚШ, Англия, Германия, Жанубий Корея, Франция ва Исроил каби ривожланган хорижий давлатларда малака оширдилар ва хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганиб қайтдилар.

"Иқтидорли талабалар билан ишлаш маркази" фаолияти сезиларли бўлмоқда. Улар тажрибали профессор-ўқитувчиларга бириктирилган бўлиб, илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштирилган ўқув режалари асосида олиб бормоқда.

Ҳозирга қадар институтнинг иқтидорли талабаларидан 10 дан зиёди Республика "Умид" жамғармаси танловида ғолибликни қўлга киритиб, АҚШ, Англия, Канаданинг нуфузли университетларига ўқишга юборилдилар. Айни пайтда улардан 4 нафари ривожланган хорижий давлатлар университетлари магистратурасида таҳсил олаётир. Йигирмадан ортиқ иқтидорли талабалар Беруний, Ибн Сино, Улуғбек номидаги давлат стипендиялари совриндорларидир.

Тоштурғун ЭРГАШЕВ,
Наманган муҳандислик-педагогика институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

ТАЛАБАНИНГ ЎЗ МУРАББИЙСИ БОР

Тарбиявий ишларни ташкил этишда тўпланган тажрибаларга таянмоқдамиз. Ректордан тортиб деярли барча профессор-ўқитувчилар ҳам гуруҳ мураббийси ҳисобланадилар. Бу усул талабалар билан кўпроқ ва самарали ишлашга, уларнинг ўқиши, юриш-туриши, хулқ-атвори ва бошқаларни назорат қилишга қулайлик туғдирмоқда.

Мураббийлар маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовинлари, факультетлар мураббийлар кенгаши билан биргаликда ишлайди. Уларнинг иш режалари тасдиқлангандан сўнг кучга киради. "Мураббийлик соати"лари ҳафтанинг ҳар чоршанба куни ўтказилади. Маънавият ва маърифат бўлими томонидан "Мураббийлик соати"лари учун мавзулар белгиланади. Бунда талабани атрофлича ўрганиш, у ҳақда барча маълумотларга эга бўлиш, талаба феъл-атворининг ўзига хос қирраларини аниқлаш, шунга кўра индивидуал ёндошиш, ота-онаси, фан ўқитувчилари билан узвий алоқада бўлиш, талабанинг дарсларга иштироки, ўзлаштириши ва моддий аҳволига жиддий эътибор берилади.

Институт ҳамда вилоят миқёсида олиб бориладиган тадбирларда миллий онг, ифтихор, ғурур ҳамда ватанпарварлик тарбияларига эътибор қаратилиб, 2001 йилнинг 25-27 июнь кунлари вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари ўртасида Тошкент шаҳрида ўтказилган "Ўзбекистон — Ватаним маним!" республика қўшиқлар байрамида бадиий жамоамиз муваффақиятли иштирок этди.

Институт "Талабалар уйи"да 10 та мутолаа хоналари факультетларнинг белгиланган қаватларида жойлашган бўлиб, барча хоналар таълим ва тарбия ишларига бағишланган адабиётлар билан таъминланган.

Барча ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини жо этиш, ватан равнақи, унинг тараққиёти учун курашда чуқур билим ва заковат ўта зарур эканлиги аниқ. Шу мақсадда турли хил мазмундор ва жозибали тадбирлар ўтказилмоқда. Талабалар ўртасида "Ватан —саждагоҳ каби муқаддасдир", "Юртим — фахрим", "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!" шиори остида ўтказилаётган кечалар она Ватан қадри, турли минтақавий можароларни оқилона ҳал қилиш ҳақидаги фикрларнинг шаклланишига ёрдам бераётир.

Т.МИРЗАМАҲМУДОВ,
маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор муовини

Tadqiqot

ЯНГИЛИКЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ҳозирги даврда маҳаллий хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ишлаш учун янги технологияларни яратиш республика иқтисодиётини юксалтиради. Институтда ***"Сув тозалаш технологиясида маҳаллий фильтрловчи материаллардан фойдаланиш"*** *мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари якунланиб, янги кўп секцияли сув тозалаш фильтри конструкцияси яратилди ва четдан келтириладиган фильтрловчи материал ўрнига маҳаллий фильтрловчи материаллардан фойдаланиш тавсия этилди. Ушбу илмий ечимлар Наманган вилояти Қизил-ровот сув тозалаш иншоотида ишлаб чиқаришга жорий этилди. Олимлар томонидан яратилган ишланма бир қатор ғишт заводларида, жумладан, Чуст туманидаги заводда қўлланилмоқда.*

Технология факультети олимлари ***"Спирт ишлаб чиқариш технологиясини мақбуллаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш"*** *мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, спирт олиш технологиясига хом-ашё ва энергия сарфини камайтирадиган бир қатор янгиликларни жорий этдилар. Яратилган технология асосида "Намаганшароб" ҳиссадорлик жамиятида спирт хом-ашёси олинадиган цех қурилиб ишга туширилди ва маҳсулот ишлаб чиқармоқда.*

Faxr

Янги ташкил қилинаётган касб-ҳунар коллежларининг нақадар замонавийлиги, уларда ишлаш кишига завқ ва ғурур бағишлашини ҳис қилиб "Касб таълими (Озиқ-овқат технологияси)" йўналишига ўқишга кирган эдим. Институтда талабаларнинг таълим олишлари учун яратилган шароитлар менинг юқори малакали мутахассис бўлиб етишишга бўлган иштиёқимни янада ошириб юборди. Юқори малкали профессор-ўқитувчилардан хоҳлаган вақтингизда маслаҳат олиш имконияти мавжуд. Тегишли кўрикдан ўтиб, иқтидорли талабалар сафига қўшилсангиз, махсус дастурлар асосида маърузалар тинглайсиз ва якка тартибда илмий ишлар билан шуғулланасиз, яъни илмий лабораторияларда ишлаш имкониятига эга бўласиз.

Чет тилини ўрганиш учун жиҳозланган компьютерли мультимедиа хонаси доимо талабалар ва ўқитувчилар хизматида. Хорижий адабиётлардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, алоҳида хонадаги 10 та компьютердан хоҳлаганингизга ўтириб, интернет алоқасидан фойдаланишингиз мумкин.



КЕЙИНГИ ҚАДАМ МАГИСТРАТУРАГА

Касб-ҳунар коллежларига ўқитувчиларнинг танлов асосида қабул қилинаётганини эшитиб, магистратурага ўқишга киришга иштиёқим янада кучайди. Мақсадим, замонавий технологияларнинг сир-асрорларини ўрганиш, "Умид" жамғармаси грантига эга бўлиб, чет элда ўқиб келиш ва касб-ҳунар коллежида ишлаб, ёшларга бугунги кун талаби даражасида таълим-тарбия беришдир.

Н.ҲАМДАМОВ,
технология факультети 3-курс талабаси, Ибн Сино стипендияси соҳиби

Суратларда институт ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар



XALQ OG'ZAKI IJODINING BARAKALI TA'SIRI

Inson nechog'lik kuchli va komil qilib yaratilgan bo'lmasin, unga yana umr bo'yi zaiflik va g'ofillik ham yo'ldosh bo'lib borarkan. Bir qator she'ru maqolalarimda g'ofillikni qoralabman-u, men o'zim ham ba'zi bir vaqtlarimni g'ofillikda o'tkazibman.

Mo'g'ul shoiri Jambin Doshdo'nduqning «Bolalar uchun she'rlar» degan bir turkum she'rlarini ruscha taglama tarjimasida o'qib, nega ilgari bularning fazilatini yaxshi payqamadim ekan, deb afsuslandim. Jambin Doshdo'nduq bu taglamalarni menga 1978 yilda bergandi. Bundan bir yil oldin esa, Mo'g'ulistonda sobiq ittifoqdan 16 bolalar shoirining she'riy turkumlari bir to'plam bo'lib Ulan-Batorda bosilib chiqqan, unga, jumladan, mening ham 11 she'rim kirgan, u to'plam «Arvan tavan delbee» deb atalardi va uni Jambin Doshdo'nduq tayyorlagan ekan.

Biz Jambin Doshdo'nduq bilan Mo'g'ulistonning O'zbekistondagi elchixonasida uchrashdik. Suhbatimiz o'n daqiqaga ham bormadi. Agar xotiram aldamasa, u 1930 yilda Ulan-Batorda tug'ilgan, universitetning til-adabiyot kulliyotini tamomlab, bolalar matbuoti sohasida ishlagan va Moskvada ikki yillik Oliy Adabiyot kursida tahsil olib qaytgach, bolalar jurnaliga yetakchilik qilgan edi. O'sha, Toshkentga kelgan paytlarida esa, Mo'g'uliston Madaniyat Ishlari Vazirligida xizmat qilar edi. U menga o'z she'rlarining taglamasini o'zbekchaga tarjima qilish uchun berdi. Ochig'i, ojiz banda, bu taklifni «Men sening 11 she'ringni mo'g'ulchada chiqardim, endi sen ham mening 11 she'rimni o'zbekchada chiqar», ya'ni «mendan bugina, sendan ugina» ma'nosida tushunib, ichimda: «nima, men senga she'rlarimni tarjima qil, deb beribmidim?» degan xayollarga borib, sal-pal og'ringan edim.

Taglamalari esa o'sha kayfiyatda bo'lganim uchun ko'zimga jo'n ko'ringan va kitob javonlarimning allaqayerlarida qolib ketgan edi.

Dunyoda «su-i zan» degan bir hodisa bor. Bu — bir odamning ikkinchi odam haqida noo'rin yomon fikrga borishidir.

Yaqinda Jambin Doshdo'nduqning she'rlari qo'limga tushib qoldi va ular bilan tanishganimda, men o'sha paytda «su-i zan» holida bo'lganimni angladim. Uning she'rlari tuppa-tuzuk, hatto juda yaxshi ijod namunalari ekan. Jambin Doshdo'nduq men o'ylaganimdan ancha yuksak, toza qalbli, bolalarni chin yurakdan sevuvchi, o'z shoirona qarashlariga ega bo'lgan va balki, jahon shoirlari orasida mutlaqo hech kimga o'xshamasligi ko'rinib turgan bir ajoyib muallif ekan. Avvalo bu 11 she'rning shakli o'z asilligi bilan e'tiborimni tortdi. U bir shaklni bironta boshqa she'rida takrorlamagan edi. 11 she'rni 11 xil shaklda yozish ijodkordan qanday katta mehnat talab qilishini amaliyotchilar yaxshi bilishadi. Ikkinchidan, Jambin Doshdo'nduqning she'rlari u qadar jo'n ham emas ekan, jo'n bo'lib ko'ringan u satrlar orqasida qanchadan-qancha yaxshi fikrlar yotgan ekan. Chunonchi, u quyosh haqida gapirsa, bu faqat quyosh emas, yorug'lik, yaxshilik, g'alaba ma'nolarini ifodalaydi. Soya esa, taraqqiyotga, o'zlikka xalal beruvchi bir zo'ravonlik timsoli.

Yoki yana bir fikr... Dunyodagi bolalar shoirlarining barcha-barchasida tinchlik haqida she'rlar bor. Buning sababi shundaki, bolalar — dunyoning yoshligi, kuchi-quvvati, ishonchi. Odamlar bolalar bo'lgani uchungina orzulari o'lmay yashaydi. Bugun bo'lmasa ertaga albatta orzularim ro'yobga chiqadi, chunki bolalarim bor, deb umid qiladi. Shuning uchun barcha bolalar shoirlari tinchlikdan quvonadi, insoniyatni tinchlikka da'vat etadi.

O'zining tilagani, istagani yetmaganday, gullar, chechaklar, hatto jonzotlarga ham shu istakni ayttiradi. Jambin Doshdo'nduqda ham shunday: o'rdaklar, zarg'aldoqlar, qo'zilar odamlarga qo'shilib tinchlikni talab qilishadi.

Bolalar adabiyoti yuzaga kelgandan buyon uning bilim beruvchilik xususiyati she'riyatda markaziy o'rinlardan birini egallab keladi — Evropa, Amerika, Afrika yozuvchilarida ham shunday, Osiyo shoirlari ham bundan mustasno emas. Jambin Doshdo'nduq bu masalalarda mutlaqo mo'g'ulcha yo'ldan boradi. Bilamizki, Mo'g'uliston asosan chorvachilik mamlakati. Shoir bolalarga hayvonlar haqida ma'lumot berarkan, tabiat va inson olamining birligiga ishora qiluvchi manzaralar tasvirini beradi. Aytaylik, «Besh xil tus» she'rida o'quvchini faqat hayvonlar rangi bilan tanishtirayotganday ko'rinadi, agar diqqat bilan qarasak, undan butun Mo'g'ulistonning obrazi chiqib kela boshlaydi. Bulardan tashqari, biz bu shoirda xalq og'zaki ijodining barakali ta'sirini, yumorga boylikni, hazil-huzullar bilan bir qatorda mehnatning sharofatini ulug'lashni, zamonaviy sport turlari (chunonchi, parashyutchilar hayotining go'zalligi)ga shoirona yo'llar bilan qiziqtirishni ham kuzatamiz.

Ana shu o'ylaganlarimga asoslanib, uning she'rlarini «Ma'rifat»chilarga ilindim.

Miraziz A'ZAM

Jambin **DOSHDO'NDUQ**

QUYOSH

**Quyosh,
Quyosh,
Kel beri!
Soya,
Soya,
Ket nari!**

**Suvlar
Oqsin
Ayqirib,
Cho'milamiz
Hayqirib.**

**Qumga
Botib
Qumloqda,
Qorayamiz
Qirg'oqda.**

**Qizdir,
Quyosh,
Bemalol!
Soya!
Sen
Berma xalal!**

BAHOR QO'SHIG'I

Bahor!
Bahor!
Gavjum bahor!
Bahor kuyi
Har kimga yor.

O'rdak kuylar:
G'a-G'a-G'a!
Ko'llar
Tinch bo'lsin,
Og'a!

Zarg'aldoq der:
Biyov-biyov!
Tinch osmonga
Kelmasin yov!

Qo'zi ma'rar:
Ma, ma, ma!
O'tloq tinchini
Buzma!

Tinchlik! — deb
Kuylar yoshlar —
Tinchlikni
O'ylar yoshlar.

Bahor!
Bahor!
Sho'x bahor!
Bahor kuyi
Bizga yor.

BESH XIL TUS

— Qo'zichog'im,
Qo'zichoq.
Nechun bunday oppoqsan!
— So'nggi qorda tug'ildim.
Shuning uchun oppoqman.

— Uloqqinam,
Ulog'im,
Nechun bunday ko'm-ko'ksan?
— Ko'k ostida tug'ildim,
Shuning uchun ko'm-ko'kman.

— Buzoqqinam,
Buzog'im,
Nechun bunday qizilsan?
— Kun chiqqanda tug'ildim,
Shuning uchun qizilman.

— Toychoqqinam,
Toychog'im,
Nechun bunday qorasan?
— Qora tunda tug'ildim,
Shuning uchun qoraman.

— Bo'talog'im,
Bo'taloq.
Nechun bunday sariqsan?
— Zar sahroda tug'ildim,
Shuning uchun sariqman.

BIR QISIM ARPA

*Ota ikki o'g'liga
Bir hovuch arpa berdi.
Kattasi o'z ulushin
Qovurib, yanchib, elab
Bir likop talqon qildi,
Ishtaha bilan yedi.*

*Kichigi o'z arpasin
Yerga sochdi, sug'ordi.
Parvarishlab,
Kuz chog'i
Qumg'on to'la don yig'di.
Ota keldi mehmonga,
Kichigi
Oltin donga
To'la qumg'onni berdi.
Kattasi
Turar edi
Burniga qo'lin tiqib.*

BEKINMACHOQ

Uka o'tov ichida,
Opa o'tov tashida.
«Bo'ldimi?» — dedi opa,
«Ha, bo'ldi...» — dedi uka.

Opaga jo'ngina ish
Sodda ukani topish:
Karavotning tagidan
Tortib oldi yengidan.

Opa yana tashqari
chiqdi o'tovdan,
Uka qoldi bekinib
yana o'tovda.
«Bo'ldimi?» — der opasi,
G'ing demadi ukasi.

Opa titdi har yonni —
Yo'q edi ukajoni:
Karavotning ostida — yo'q,
Javonlarning ortida — yo'q.
Hayron bo'ldi:
Bu ne hol?
Topolmasdan turdi lol.

«Shokolad topdim, maza!
Voy, maza bo'ldi toza!» —
Deb qo'ygandi opasi,
«Yarmini menga ber!» — deb
Dadasining to'nidan
Chiqib keldi ukasi.

«Voy, shunda
Ekansan-da!» —
Dedi kulib opasi,
Piqilladi nafasi:
«Hech qanaqa shokolad
Topmaganman men faqat».

SUT

**Mana,
Quyosh ko'rindi!
Mana,
Ko'llar isindi!
Yerni tuman
O'raydi,
Ko'kda bulut
Qoraydi.
Yomg'ir yog'di
Sharqirab.
O'tloq undi**

**Gurkirab.
Sigir yedi
O'tlog'ni!
Onam
Sigirni sog'di!
Olov yoqdi,
Sut pishdi —
Pishdi, ko'pirdi, toshdi.**

**Eh, qaynoq sut
Mazali!
Bu sut
Sutlar asali!
Har narsa bor
Bu sutda:
Kumush tusli bulut-da,
Oltin tusli quyosh-da,
Birinj tusli otash-da...
Qo'shilar bunga hali
Onamning issiq qo'li.**

TOGO DEGAN BIR BOLA KATTA BO'LGISI KELAR

Cho'ponning Togo degan kichkina o'g'li
Katta bo'lgisi kelar to'g'ridan-to'g'ri.

Dadasining qalpog'in kiyibdi, qarang,
Qalpoq tagidan burni ko'rinar arang.

Uydan chiqmoqchi bo'ldi shoshib, entikib,
Ostonada to'satdan yiqildi munkib.

Cho'ponning Togo degan kichkina o'g'li
Katta bo'lgisi kelar to'g'ridan-to'g'ri.

Onasining xalatin kiyibdi, qarang,
Xuddi chodirga o'xshab qoldi mallarang.

Oldinga ketaverdi cho'chimay dadil,
Etagin bosib olib yiqildi adil.

Voy, kichkina Togo-e, cho'ponning o'g'li,
Sabr qil, o'sib bo'lmas to'g'ridan-to'g'ri.

Bugun kattalar egni katta sen uchun,
Sen ularga kattalik qilarsan bir kun.

**Ruschadan Miraziz A'ZAM
tarjimalari.**

Сўнгги беш йил ичида эса ҳукуматимизнинг оилаларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги туфайли ажралишлар камайди, болаларнинг тирик етим бўлиш ҳоллари кескин пасайди.

Ma'rifat

АЁЛ БАХШИЛАР ҲАМ БЎЛАДИ(МИ?)

Халқ оғзаки ижоди ҳисобланмиш бахшичилик санъати азалдан тўй-томошаларимиз файзи ҳисобланади. Ҳалфачилик анъанаси эса, асосан Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг баъзи туманларида мавжуд. Ҳалфа деб достон айтувчи аёл кишига айтилади.

Шундай ҳалфалардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманида яшовчи Тозахон Асомиддин Ҳожи қизи билан қисқача суҳбат қурдик. Аслида шу туманнинг 9-мактабида ёшларга кўп йиллардан бери ўзбек тили ва адабиётдан дарс бериб келаётган бу аёл камтарин ва ўз касбининг фидоийларидан бири-дир.

Биз "Қирқ қиз", "Эдигей", "Алпомиш"дан парчалар тинглагач, Тозахон опани суҳбатга тортдик:

-Ҳалфачилик анъанаси ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз. Унинг бахшичиликка ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида нима дея оласиз?

-Ўхшашлиги ҳар иккаласида ҳам достон куйланади. Фарқли жиҳати: бахши эркак киши бўлади, ҳалфа эса аёл. Ҳалфачиликни яна қиссахонлик ҳам дейишади. Чунки, ҳалфа фақат достон айтмайди, балки кишиларни иймон, эзгулик, инсофу диёнатга чорловчи барча асарларни халқ орасида кенг ёйишади.

-Тозахон опа, боя сиз тилга олганингиз "Қирқ қиз" достони воқеасини гапириб берсангиз?

-Қорақалпоқ элатинда Оллоёрбойнинг олти ул, бир қизи бўлиб, унинг исми Гулойим эркан. Қиз ёшлигидан ботир, эрюрак, қўрқмас бўлиб ўсибди.

Гулойим отасидан мевали Бойсун ерини сўрайди. Сабабини сўраганларида шу жойга 40 та қиз билан ўтов қуриб, жанг сирларини ўрганмоқчилигини айтади. Ўйлаб-ўйлаб отаси рози бўлади ва 40 та от ва шунча қиз, шунга яраша қурол-аслаҳа беради. Гулойимхон мевали Бойсунда қизлари билан машқ ўрганиб юрганида, буёқда қалмоқ хони-Суртайшахон юртини хароб қилиб, отаси ва акаларини ўлдиради. Қаҳрланган Гулойим қизлари билан душман ортидан қувади. Йўлда урганчлик ботир Арслонни учратиб қолади. Йигит Гулойимга севгисини айтади, улар биргаликда жанг қилиб, халқни душман қўлидан озод қилади. Икки ёш турмуш қуриб бахтли ҳаёт кечиришади. Мазкур достон ҳам бошқа достонлар каби эзгуликни, севги-муҳаббат ва мардликни тараннум этади.

—Суҳбатингиз учун ташаккур.

Хосият РАЖАБОВА,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Shunaqasi ham bo'ladi

СОЧДАГИ КАЛТАКЕСАК

Мода ишқибозлари чиройли кийиниш учун нималар қилишмайди, дейсиз?

Мексикадаги айрим туманларда яшовчи аёллар ўз сочларини калтакесаклар билан безашади. Филиппинлик аёллар эса сирғанинг янги тури — ичида кичик қисқичбақа сузиб юрган думалоқ митти аквариумни қулоқларига тақиб юришади.

ТИРИК АЁЛЛАР МУЗЕЙИ

Брюссел шаҳри марказида бельгиялик рассом Ян Бюквуа ташаббуси билан дунёда биринчи марта аёллар музейи ташкил этилди. Унда рассомнинг картиналари ўрин олган. Ажабланарли жойи шундаки, музейда тирик экспонатлар ҳам бор. Бундай экспонатлар 13 нафар бўлиб, улар аёллардир. Дарвоқе, улар ўз хоҳишлари билан "экспонат"га қўйилган. Уларнинг иш куни ҳар якшанба эрталаб 10 дан кеч соат 17 гача.

Томошабинлар уларга қўл тегизиши мумкин эмас, "экспонатлар" билан гаплашиш ҳам таъқиқланган.

КЎП ГАПЛАШМАГАН МАЪҚУЛ

Америкалик руҳиятшунос Бердиул ўз тадқиқотларига асосланиб, қатъий айтадики, эр-хотин бир кеча-кундузда 27 дақиқадан ортиқ гаплашмаслиги керак экан. Ана шундагина бундай оилалар барқарор бўларкан.

Маҳмуда ВАЛИЕВА тайёрлади.

БОЛА БИРИНЧИ НАВБАТДА ОТА-ОНАСИГА СУЯНАДИ

Оила тинч ва уни ташкил қилувчилар тотув ва аҳил бўлсалар, инсон комронлик даражасига етади. Соғлом муҳит дунёга келади ва фарзандлар баркамол, етук шахс бўлиб вояга етадилар. Бундан роппароса тўрт йил муқаддам республикамизда "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилган эди. Бу марказнинг ўз олдига қўйган мақсади ва маслаги ҳақида, унинг шу кунгача бажарган юмушлари тўғрисида суҳбатлашиш учун ушбу Марказ раҳбари Васила Каримова ҳузурида бўлдик.

—Оиланинг педагогик, ижтимоий-психологик муаммоларини ўрганиш ҳамда турли тавсиялар тайёрлаш олдимизга қўйилган вазифалардан биридир, — дейди В.Каримова. — Сўнгги йиллардаги тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, оилага тааллуқли муаммоларни ўрганиб, уни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас экан. Ўша муаммоларнинг амалий ечимига ҳам эришишимиз керак экан. Чунки бирор бир олий ўқув юрти йўққи, етук оилашунос мутахассисларни тайёрласа ёки бирор институт мавжуд эмаски, ўша ерда оиланинг барча муаммолари ўрганилса. Демак, "Оила" илмий-амалий маркази айнан маърифий муаммоларни ечишни ҳам ўз зиммасига олган.

Бу вазифани бажариш учун нима қилдик? Энг аввало "Миллий истиқлол ғояларини оила, маҳалла тизимида ёшлар онгига сингдиришнинг психологик-педагогик механизмлари" мавзуида иш олиб бориб, республикамизнинг 8 та вилоятида мана шу масалани ўргандик. Сўровларимиздан, тадқиқотларимиздан шу нарса маълум бўлдики, энг аввало оила барқарор бўлишида, ёшларни оила ва ҳаётга тайёрлашда ота-онанинг роли ва аҳамияти бениҳоя катта экан. Бола ота-онанинг хатти-ҳаракатига қараб фикр юритади, ота-онасининг мулоҳазаларига асосланиб бирор қарор қабул қилади. Ўтказган сўров анкеталаримиздан бирида "Бирор бир муаммонгиз пайдо бўлса, биринчи навбатда кимга мурожаат қиласиз?" деган савол бор эди. Бу саволга ўсмир болаларнинг аксарияти биринчи навбатда онамга, отамга мурожаат қиламан, деган жавобни беришган. Ота-онадан кейин, бува-буви, яқин ўртоғи, ўқитувчини улар ўзларига сирдош, маслакдош деб билишаркан. Кўп изланишлардан сўнг яна бир нарсага амин бўлдикки, оила барқарор бўлиши учун она саводхон бўлиши керак.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, халқ таълими тизимидаги мактабларда эса ёшлар онгига оиланинг, никоҳнинг муқаддаслигини сингдириб бориш, ота-оналик бурчини, фарзандлик одобини улар қалбига жойлаш учун махсус курслар ташкил қилиш, "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" каби дарсларда келин-куёвлик одобини, бўлажак онанинг саводхонлиги жуда кўп яхшиликларга олиб келишини ўқувчиларга тушунтириб бориш лозим . Зеро, бугунги вазифаларимиздан бири ҳам мана шундан иборатдир. Аксарият оналарнинг янги алифбони билмасликлари ҳам фарзандларининг билим олишига салбий таъсир кўрсатмоқда. 30-40-50 ёшли ота-оналарнинг кўпчилик қисми "мен янги алифбони билмайман, буни ўқитувчинг ўргатади", деб масъулиятни ўзларидан соқит қилишмоқда. Ваҳоланки, бу боланинг билим олишида маълум тўсиқларни, қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу мақсадда қисқа курсларда ота-оналарни янги имлога ўргатишни ҳам режалаштиряпмиз. Ота-она 1-синфга борган фарзанди билан бирга янги алифбода ўқишни, ёзишни ўргансин, фарзандининг саволларига, жавоб берсин. Боласининг билим олишига, келажагига бефарқ бўлмасин.

"Қандай китобларни ўқишни ёқтирасиз?" деган саволимизга эса оналар бадиий китобларни деб жавоб берган бўлса, худди шу оналарнинг фарзандлари илмий-оммабоп китоблар ёқади, деган жавобни келтиришди. Энди олдимизда яна бир масала пайдо бўлди. Ота-оналар, уларнинг фарзандлари учун илмий-оммабоп китоблар туркумини яратиш зарур экан, деган хулосага келдик. "1001 саволга психологнинг 1001 жавоби" китоби мана шу йўлда қўйилган биринчи қадам бўлди. Ундан сўнг "Оила психологияси" номли китоб нашр этдик ва билдикки, бундай адабиётларга эҳтиёж бор экан. Биз таълим муассасаларини, кутубхоналарни ушбу адабиётлар билан таъминладик, афсуски, бу қўлланмалар оилаларга, оналар қўлига тўла етиб бормаяпти.

Шунингдек, онанинг нафақат маърифий, балки тиббий саводхонлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қачонки бола соғлом бўлса, онанинг кўнгли тинч, хотиржам, қилган ишида унум бўлади. Шунинг учун "Она ва бола соғ бўлсин", "Ҳамма ва ҳар киши саломат бўлсин" номли китоблар ҳам нашр этганмиз. Биз "Оила" кутубхонаси туркумида 20 номдан ортиқ адабиётлар нашр этдик, 10 та қўлланма эса чоп этишга тайёрлаб қўйилган.

Оила барқарор экан, жамият барқарор бўлади. Унинг баркамоллигида жамият ривожи кўринади.

Бугунги кунда юртимизда 5 миллионга яқин оила бор. Ҳар йили 150 мингга яқин янги оила ташкил топади. 1993-1994 йилларда Ўзбекистонда ажралишлар кўпайиши кузатилганди. Сўнгги беш йил ичида эса ҳукуматимизнинг оилаларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги туфайли ажралишлар камайди, болаларнинг тирик етим бўлиш ҳоллари кескин пасайди. "Оила" илмий-амалий марказининг аралашуви сабабли ёлғиз оналар 178 нафарга, никоҳ ёшини қисқартириш (никоҳ ёшига етмаган ёшларни турмушга узатиш, уйлантириш) 10 тага камайди. 222375 нафар ишсиз аёлнинг 144505 нафари иш билан таъминланди.

Хулоса қилиб айтганда, оиланинг ижтимоий мавқеини кўтариш бизнинг доимий вазифаларимиздир.

Шарифа МАДРАҲИМОВА ёзиб олди.

Maslahat

Газетани ўқиб бўлиб, ташлаб юборадиганлар учун.

Куя босмахонанинг янги бўёғидан қўрқади. Кийимларни тозалаб, янги газетага ўраб қўйсангиз, куядан сақлаган бўласиз.

Янги газетани юнгли оёқ кийимлар ичига солиб қўйсангиз куядан асрайди. Нам тортиб қолган пойафзалнинг ичига газета ёки қоғоз тиқиб қўйсангиз эрталабгача қуриб қолади.

РЎЗҒОРГА ГАЗЕТА ДАРКОР

Газетани шкафнинг ичига солиб қўйсангиз, ҳамма кийимларингизни куядан асрайди. Фақат газетани тез-тез алмаштириб туринг.

Дераза ойнасини майдаланган бўр ёки ярим стакан сувга 2 қисм тиш порошоги солиб артсангиз, ялтираб кетади. Бунинг учун аралашмани латта билан ойнага суртиб, кейин юмшоқ қоғоз ёки газета билан артинг.

Демак, газета кони фойда экан. Ҳам масза қилиб ўқийсиз, ҳам рўзғорда фойдаланасиз.

БИР ЗУМДА

Қиш кунлари бўлгани учун эрталабки нонуштага турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингизга иссиқ таом тортмоқчисиз. Вақтингиз эса зиқ. Асабийлашманг, иккита тухумни яхшилаб аталанг ва унга ёпилган нонни олти бўлакка бўлиб, икки томонини ҳам тухумга ботириб олинг. Сўнгра қиздирилган ёғда нонларни қизартириб олинг, нон эмас, балиқ егандек ҳузур қиласиз. Ҳам мазали, ҳам тўйимли.

* * *

Қиймали картошка паловни ҳам тез тайёрлаш мумкин. Ёғда аввал пиёз ва қиймани, сўнг кубик шаклида тўғралган картошка ва сабзини, кейин 400 грамм гуручни яхшилаб қовуриб оласиз. Таъбга кўра туз, озгина мурч қўшасиз ва сув солиб, гуруч сувини тортгунча ўртача оловда пиширасиз. Сўнг 10-15 минут дамлаб қўясиз. Қийма гўштга қараганда тез пишади. Гуручни қовуриб олишга сабаб, ҳам мазали, ҳам иссиқлик бўлади. Қиймали картошка палов учун 2 бош пиёз, 100 грамм қийма, 3-4 дона картошка, 1 дона сабзи, 0,5 банка гуруч ва кўкатлар керак бўлади.

Nonushta

ФАЛАСТИНДАГИ АЯНЧЛИ ВАЗИЯТ

БМТ вакилининг маълум қилишича, Фаластин ҳудудидаги кескин вазиятни ўнглаш учун 100 миллион доллардан ортиқроқ маблағ керак бўлади. БМТнинг Фаластин қочоқлари билан шуғулланувчи агентлигининг биринчи галдаги вазифаси фаластинликларни иш билан таъминлаш ва уларга озиқ-овқат борасида кўмаклашишдан иборат. Ҳозирда 200 мингдан ортиқ оилаларга озиқ-овқат масаласида ёрдам бериш зарур. Гарчи мазкур халқаро ташкилот сўнгги бир йил ичида жаҳон ҳамжамиятига қўшимча маблағ тўплаш борасида тўртинчи бор мурожаат этишига қарамай, Фаластиндаги аҳвол тобора оғирлашиб бораяпти.

ТЕРРОРЧИЛАР АЭСни НИШОНГА ОЛИШМОҚДА

"Ал-Қоида" ташкилотининг ҳибсга олинган аъзоларидан бири ўз шериклари Американанинг атом электр станцияларига ҳужум қилишни режалаштираётганликларини айтди. Унинг маълум қилишича, "Ал-Қоида"нинг уч нафар аъзоси ҳозирда жойларда ишлар олиб бораётган бўлиб, уларнинг фикрлари билан аниқ бир атом электр станцияси танлаб олинар экан. Ҳозирда эса Қўшма Штатлар бу борадаги барча муҳим объектларининг хавфсизлигини юқори даражага келтирган, дея хабар беради "Асошиэйтед Пресс" агентлиги.



КАРЗАЙ БЛЭР БИЛАН УЧРАШДИ

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Лондонда Афғонистоннинг ҳозирги вақтинчалик ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай билан музокаралар олиб борди. Учрашувда асосий эътибор Афғонистонни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қайта тиклаш масалаларига қаратилган бўлса-да, лекин Блэр Карзайнинг Афғонистондаги тинчликпарвар кучлар сонини кўпайтириш ҳақидаги илтимосини маъқулламади. Унинг фикрича, халқаро қўшинлар сони 5 мингга етказилади, холос.

Учрашувдан сўнг ташкил этилган матбуот анжуманида эса Карзай ўз халқининг хорижий кўмакка муҳтожлигини, бусиз улар терроризм балосини буткул таг-томири билан йўқотиб юборолмасликларини айтди.

ЖИНОЯТЧИ УШЛАНДИ

1990 йилларда Санкт-Петербургдаги энг катта жиноий гуруҳлардан бирига бошчилик қилган Александр Малишев Германияда ҳибсга олинди. "Коммерсант"нинг ёзишича, Малишев ва унинг ҳамтовоқлари 1992 йил қўлга олингач ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан суд қилинган эди. Ўшанда ноқонуний қурол сақлаш айби билан 2,5 йилга озодликдан маҳрум этилган Александр 1998 йил қамоқдан чиққач, Эстония фуқаролигини олганди. 2000 йил эса қалбаки ҳужжатдан фойдаланишда гумон этилгач, уни ушлаш борасида халқаро қидирув эълон қилинган. Айни вақтда Берлин суди уни Эстония давлатига бериш учун ҳужжат тайёрламоқда.

ЙИЛЛИК ФОРУМ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Нью-Йоркда Бутунжаҳон иқтисодий форумининг йиллик сессияси бўлиб ўтмоқда, дея хабар беради Би-Би-Си. Унда дунё мамлакатларидаги энг етакчи бизнесменлар, сиёсатдонлар, иқтисодчи ва журналистлар иштирок этмоқдалар. Шунингдек, йиллик йиғилишни тинч ҳолда ўтказиш учун хавфсизликни таъминлаш мақсадида 4 минг нафар полиция ходими жалб этилган. Одатда ҳар йили Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказиладиган мазкур форум келгуси йили яна ватанига қайтади.



АҲАМИЯТСИЗ ИНТЕРВЬЮ

Американинг "Си-Эн-Эн" телекомпанияси биринчи рақамли халқаро террорчи Усама бин Лоденнинг янги интервьюсини намойиш этди. "Ал-Қоида" террористик ташкилотининг раҳбари, 11 сентябрдаги АҚШ воқеаларига бошчилик қилишда айбланаётган бин Лоден 21 октябрь куни Катар давлатининг "Ал-Жазира" телекомпанияси ходимига интервью берган эди. Аммо "Ал-Жазира" раҳбарияти ушбу интервьюни кераксиз, дея баҳолаб, уни эфирга узатмаганди.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Nobel mukofoti sohiblari

АСАБ ТОЛАЛАРИ ҚАЙҒУСИДА

XIX асрнинг бошларида микроскопия техникасининг ривожланиши билан бир қаторда олимларнинг турли организмлар тўқималарини ўрганишлари билан боғлиқ илмий изланишлари ҳам тез юксала борди. Тиббиёт фанининг бу янги соҳаси, айниқса 1850 йили Рудольф Вирховнинг "Ҳужайралар патологияси" деб номланган илмий рисоласи нашрдан чиққанидан сўнг янада оммалашиб кетди. Дастлабки гистолог олимлар қўлида замонавий ускуналар етарли бўлмаганлиги боис, уларнинг тўқима ва ҳужайралар тўғрисидаги фикрлари ҳам тўлақонли маълумотлар билан асосланмаган эди.

Маълумки, турли тўқималар ҳужайраларининг тузилиши ҳам одатда ҳар хил кўринишда бўлади. Масалан, асаб тўқималари (уларни нейронлар ҳам деб аташади) соч толасидан ҳам нозик ва ингичка бўлгани ҳолда улар организмининг оёқ бармоқларидан тортиб умуртқаларга жойлашган орқа миягача чўзилган бўлади. Лекин ўша пайтда асаб системасини ўргана бошлаган гистолог олимлар олиб борган илмий изланишлар асосида олинган натижаларда ишончли далиллар етишмас эди.

Ўз даврининг етук гистолог олими Камилло Голжи айнан ана шу соҳадаги кўп тортишув ва мунозараларга барҳам бериш мақсадида бу илмий муаммони ўрганишга астойдил киришди. Асли италиялик бўлган Камилло Голжи Кортено шаҳрида 1843 йил 7 июл куни хизматчи оиласида туғилди. Унинг отаси таниқли врач бўлгани боис, ундаги тиббиётга бўлган қизиқиш ёшлигидан уйғонди. Тиббиёт соҳасидаги дастлабки билимларни у Павий университетида атоқли олим Эусебио Оэла раҳбарлигида ўргана бошлади. Ўз илмий тажрибалари билан бутун Европада яхши танилган Э. Оэла ҳужайралар тузилмасини ўрганишда микроскопни биринчилардан бўлиб қўллаган олим эди.

1865 йили университетни муваффақиятли тамомлаган К. Голжи ўша шаҳардаги Сан-Маттео асаб касалликлари клиникасида ўз иш фаолиятини бошлади. Бир вақтнинг ўзида ўзининг университетдаги устозларидан бири Жулио Биццоцеро раҳбарлик қилаётган микроскопия лабораториясида мия тузилиши ва асаб системаси мавзусига доир илмий изланишлар олиб борди. Бу борадаги олинган натижалар баён қилинган дастлабки илмий мақолалар 1869 йили эълон қилинди.

Орадан икки йил ўтгач, у Абятеграссо шаҳридаги касалхонанинг бош санитар инспектори лавозимига тайинланди. Унинг бу хизмат вазифаси ундан жуда кўп вақт талаб қилар ва шу важдан илмий изланишларни давом эттиришда баъзи қийинчиликлар юзага келар эди. Бу йиллари К. Голжи микроскоп ёрдамида ўз уйининг ошхонасида кечалари тажриба ўтказар эди. Содда қилиб жиҳозланган бу кичкина ҳонада у ўзининг бир қатор илмий кашфиёт ва ихтироларини яратди. Шундай кашфиётлардан бири баъзи асаб ҳужайраларини бўяб ўрганиш усули эди.

Микроскопик тадқиқотлар учун аввало ўта юпқа тўқималар кесмасини тайёрлаб олиш керак бўлади. Бунинг учун дастлаб тўқималарга махсус кимёвий ишлов берилади, сўнгра қотирилади ва тадқиқот ишлари ўтказиш учун кесимларга ажратилади. К. Голжининг аниқлашича, асаб тўқималари кесимларини қаттиқлаштириш учун азотли кумуш эритмасига солинганда нейронлар қора тусга кира бошлаган. Бу эса уларни бошқа тўқималардан яхши ажратиб олиш учун қулай шароит яратиб беради. Олимнинг яна бир ютуғи, кимёвий ишлов бериш жараёнида уни вақт бўйича тартибли бошқаришни йўлга қўйди. Яъни берилган вақт оралиғида асаб толаларининг керакли қисмини бўяш имконияти яратилди.

1875 йили Павийга қайтиб келган К. Голжи гистологиядан дарс бера бошлади, 1879 йилдан бошлаб эса Сиена университетида анатомиядан профессор лавозимида ишлай бошлади. Сўнгра устози Биццоцеро етакчилик қилган умумий патология кафедрасига рахбарлик қила бошлади. Бу ерда ишлаш давомида у бир қатор илмий рисолалар чоп эттирди. Олим яратган кашфиётлар ўта ўткир иқтидор ва илғор тажрибалар асосида яратилганига қарамай, илм аҳли томонидан бу ишларнинг тан олиниши бироз кечроқ юз берди. Лекин 1880 йилдан бошлаб у яратган усуллар нейроанатомия ва асаб толаларини ўрганувчилар ўртасида кенг оммалаша борди. Шу билан бирга К. Голжи бир неча турдаги нейронларни уларнинг тузилишига қараб классификациялаб чиқди ва уларнинг тузилиши ҳамда асаб тўқималаридаги жойлашишлари билан боғлиқ бир қатор кашфиётлар яратди. У яратган кимёвий бўяш усули асаб боғловчилари ҳисобланган тўқималарнинг ўта мураккаб системадан иборат эканлигини кўрсатиб берди. Мисол учун одам миясидаги бир дона нейрон ўн мингдан ортиқ бошқа асаб толалари билан боғланган эканлиги исботланган. Назарий жиҳатдан Голжи усули билан берилган нейрондан таралган деярли барча асаб толаларини кузатиш ва назорат қилиш мумкин бўлади.

К. Голжи яратган усуллар билан муваффақиятли иш олиб борган иқтидорли нейроанатом олимлардан бири Сантьяго Рамони-Рахал эди. Лекин унинг асаб тўқималарининг тузилиши ва уларнинг табиатига нисбатан дунёқараши бошқача эди. Унинг фикрича, ҳар бир асаб ҳужайралари алоҳида вазифани бажарувчи индивидуал тўқима бўлакчаси ҳисобланади. Асаб ҳужайралари ўртасидаги оралиқ масофа жуда қисқа бўлганлиги сабабли Рамон-и-Рахал бу ҳужайрага тегишли асаб толаларининг алоҳида бўлиши мумкинлигини исбот қила олмади. Шу йўсинда К. Голжи яратган кашфиётларга қарама қарши бўлган "нейрон назарияси" юзага келди. Бу икки буюк олим ўртасидаги мунозара ва илмий тортишув бир неча йил давом этди ва ниҳоят К. Голжи бу мунозарага чек қўядиган кашфиётни яратди.

1889 йили у асаб ҳужайралари ичида бир неча қатламдан иборат толалар тўплами борлигини аниқлади. Йиллар ўтиб оптик микроскоплардан минглаб баробар кучли имкониятларга эга бўлган электрон микроскопларнинг яратилиши олим қилган башоратларни тўла тасдиқлади.

1906 йили Нобел қўмитасининг қарори билан тиббиёт ва физиология соҳасидаги ноёб мукофот тенг равишда Камилло Голжи ва Сантьяго Рамони-Рахалларга берилди. Асаб тўқималарини ўрганиш соҳасида тенги йўқ ҳисобланган бу икки олим ушбу мукофотга "Асаб системасини ўрганиш борасидаги буюк хизматлари учун" сазовор бўлдилар.

К.Голжининг илмий изланишлари булар билан чегараланган эмас. 1885-1893 йиллари у безгак касаллигини даволаш ва унинг келиб чиқишини ўрганиш борасида ҳам тадқиқотлар ўтказди ҳамда илмий ишлар чоп эттирди. Олим олинган натижалар асосида безгакни қўзғотувчи бактериялар маълум бир аниқ вақт оралиғида кўпайишини ва бу вақт 72 соатдан иборат эканлигини кўрсатиб берди.

1874 йили К. Голжи ўз устози Ж. Биццоцеронинг жияни бўлмиш Лине Алеттига уйланади. Уларнинг ўз фарзандлари бўлмаганлиги боис, жиянларидан бирини асраб олганлар.

1900 йили олим сенаторликка сайланади ва бир вақтнинг ўзида Павий Университети президентлигига ҳамда шу университет тиббиёт факултети деканлигига сайланади.

Нейробиология соҳасида ўчмас из қолдирган буюк олим ва давлат арбоби Камилло Голжи 1926 йилнинг 21 январ куни оламдан кўз юмди.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
Иброҳим КАРИМОВ,
Ўзбекистон Физика жамияти ҳайъати аъзолари

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Камалак».
9.25, 11.35 ТВ метео.
9.30 «Тўртинчи ҳокимият».
9.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Водил». Премьера.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
11.40 «Рангин дунё».
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 «Филча ва мактуб». Мультфильм.
12.40 «Олам футболи».
13.00 «Шунчаки ҳазил».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Олтин тож».
14.40 **Кундузги сеанс**: «Оила сирлари». Бадиий фильм.
16.10 «Бир зумда».
16.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.40 Эстрада тароналари.
17.05 «Балли, раислар!»
18.10 Болалар учун. «Фламинго».
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент мустақиллик йилларида» 1-қисм.
21.55 Ўзбекистон халқ артистлари.
22.15 «Спорт, спорт, спорт».
22.30 **2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили.** «Париси бор уй».
23.00 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 64-қисм.
23.25 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

Профилактика муносабати билан душанба 4 феврал куни «Ёшлар телеканали кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади.
15.00 Кўрсатувлар дастури.
15.05 «Давр ҳафта ичида».
15.35 Мусиқий лаҳзалар.
15.45 «Сирли шарча». Бадиий фильм.
16.55 Спорт ҳафтаномаси.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати».
17.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». 13-қисм.
18.10 Муқаддас бурч.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Тафаккур ёлқинлари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлик наволари.
19.55 «От эгаси». Видеофильм.
20.25 Ёшлар овози.
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.20 XXI аср шеъриятидан.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Ўзбек мумтоз шеъриятидан Алишер Навоий.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 Болажонлар экрани: «Азиз».
18.20 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВ-да сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 6-қисм.
19.35, 21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВда сериал: «Бебилиска пуллар».
21.40 «Тошкентнинг 12-дарвозаси».
22.55 Кинонигоҳ. «Умр риштаси». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30.-9.00.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
18.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
ЎзТВ - IV.
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-4-да немис тўлқини».
22.35 Кинематограф. «Энг жозибали ва латофатли қиз». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Сешанба, 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент мустақиллик йилларида». 1-қисм.
9.45 «Қишлоқ ҳаёти».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Малина виноси». Бадиий фильм.
11.40 Биржа ва банк хабарлари.
11.50 «Вов» лақабли мушукча». Мультфильм.
12.05 «Париси бор уй».
12.35 «Кўҳна замин оҳанглари».
«Спорт» дастури:
13.00 «Ўзбекистон ифтихорлари».
13.20 «Спорт, спорт, спорт».
13.35 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 64-қисм.
14.15 «Қизлар давраси».
15.50 «Мулк».
16.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
16.25 Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Санъат ғунчалари».
18.25 «Баркамол авлод орзуси».
18.45 «Инсон ва қонун».
19.05 «Тафсилот».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент мустақиллик йилларида». 2-қисм.
21.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.15 «Парламент вақти».
22.40 **«Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба**: «Ошин». Телесериал
23.10 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод»почтаси, «Билағон маслаҳати».
9.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 13-қисм.
10.10 Бизнес - академия.
10.25 «Эсмералда». Телесериал.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 Адолат мезони.
11.15 Ўзбек мумтоз шеъриятидан Алишер Навоий.
11.25 Ёшлар овози.
11.45 «Оби ҳаёт».
12.05 Интерфутбол.
13.40 «Кўза». телефильм.
14.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
14.55 Муқаддас бурч.
15.15 «Меҳрибонлик».
16.50 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.10 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 14-қисм.
17.35 Ёшлар кўйлайди.
17.45 Таянч.
18.00 Автопатрул.
18.20 Оқшом наволари.
18.30 Зукконинг зукколари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Иқтисод-news.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Сифат белгиси.
20.10 Марду майдон.
20.35 «Эсмералда». Телесериал.
21.05 XX аср шеъриятидан Абдулла Орипов.
21.10 Ёшлар овози.
21.30 Ғазал соғинчи. Алишер Навоий.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Олтин мерос.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 Оқшом ёғдулари.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.55 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани: «Денгиз итлари». 11-қисм.
18.25 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.50, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВ-да сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап-тортмаслар». 7-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Интерспорт».
20.20 «Бебилиска пуллар».
21.25 «Еднома».
22.40 «Умр риштаси». 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30.-9.00.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда».
РЖТ
18.30 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
19.05 «Муҳаббат замини».
20.05 «Заиф бўғин». Шоу-ўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ – IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.10 «Х-Спорт».
22.25 Кинематограф. «Титаник» фильми. 1-қисм.
00.00 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 6

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент мустақиллик йилларида». 2-қисм.
9.45 «Соз сеҳри».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алиффо сабоқлари.
10.30 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
11.45 «Санъат ғунчалари».
12.05 «Тафсилот».
12.25 «Баркамол авлод орзуси».
«Спорт» дастури:
12.45 Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
13.15 «Ринг».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан».
14.40 **Кундузги сеанс**: «Иф қалъасининг маҳбуси». 1-қисм.
15.45 «Парламент вақти».
16.10 «Ягона оилада».
16.40 «Мусиқа: қеча ва бугун».
17.00 «Инсон ва қонун».
17.20 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
17.40 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.25 «Аёл - дунёни тебратар».
18.45 «Мулк».
19.05 «Санъатга бахшида умр». М. Исроилов.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 «Спорт, спорт, спорт».
21.45 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба**: «Ошин».
22.15 Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
22.45 «ТВ-клуб».
23.10 «Ахборот -дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 14-қисм.
10.00 Давр-интервью.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмералда». Телесериал.
10.50 Таянч.
11.05 Ёшлар овози.
11.25 Болалар экрани: «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари» 1 қисм.
12.40 Ҳайрат.
13.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
13.45 Зукконинг зукколари.
14.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.45 «Мульттомоша».
15.00 Автопатрул.
15.20 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 Ўйна, болажон, ўйна.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
17.30 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 15-қисм.
17.55 Ёшлик қўшиқлари.
18.05 Олов билан юзма-юз.
18.20 Далил ва шарҳ.
18.35 Оқшом наволари.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.40 Сийрат.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Ёшлик қўшиқлари.
20.40 «Эсмералда». Телесериал.
21.10 Ҳандалак.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани: «Коинотдан келганлар».
18.30, 20.00, 21.25, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВ-да сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 8-қисм.
19.35, 21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Дурдона».
20.20 «Бебилиска пуллар».
21.40 «Ер курраси».
22.45 «Куз афсонаси».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30.-9.00.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.10 «Бугун оламда».
РЖТ
18.25 Машҳурлар. Шон-шуҳрат синовида.
18.55 «Муҳаббат замини».
19.55 «Сўнгги қаҳрамон». Телеўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ – IV.
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «CNN шоу».
22.30 «Титаник» фильми. 2-қисм.
00.00 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 7

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Сополда акс этган дунё».
9.10 ТВ-метео.
9.15 «ТВ -клуб».
9.40 «Аёл - дунёни тебратар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Бор эканда, йўқ экан». Бадиий фильм.
11.25 «Мулк».
11.45 «Сиҳат-саломатлик».
12.05 «Жажжи гўзал».
12.25 «Фанимиз истиқболлари».
«Спорт дастури:
12.45 «Спорт, спорт, спорт».
13.00 Кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.15 «Ватан мадҳи».
14.40 Кундузги сеанс: «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 «Шоирлар-болаларга».
16.10 «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16.35 «Банифаси таътилда». Мультфильм.
17.00 «Янгисидан бор». Юмористик кўрсатув.
17.20 «Ёшлик шиддати».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Бешбармоқ».
18.30 «Яхши ният». Телелоторея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Сиёсат оламида.
21.25 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
21.50 «Бугуннинг гапи».
22.10 «Руҳият манзаралари».
22.45 « 23,5 даражали бурчак остида». Телесериал 65-қисм.
23.10 «Ахборот- дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Кичкинтой театри».
9.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 15 қисм.
10.10 Спорт қитъаси.
10.40 «Эсмералда». Телесериал.
11.05 Истиқлол умидлари.
11.25 Болалар экрани: «Билмасвойнинг ойдаги саргузаштлари». 2-қисм.
12.40 Мусиқий лаҳзалар.
12.50 Сифат белгиси.
12.55 «Монте-Карлодаги жаҳон цирк фестивали».
13.45 Сийрат.
14.05 Интерфутбол.
15.40 Одил сўз.
15.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
16.35 Оила тилсими.
17.00 Мусиқий лаҳзалар.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 16-қисм.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Одамлар орасида.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Бегойим.
20.45 «Эсмералда». Телесериал.
21.15 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.20 «Қутлуғ қадамлар». Таҳлилий-публицистик фильм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Олтин мерос.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси».
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 12-қисм.
18.25 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВ-да сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 9-қисм.
19.35, 21.10, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 Катталар учун мультфильм.
20.20 «Бебилиска пуллар».
21.40 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 Кинонигоҳ. «Мактуб».

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30 - 9.00.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
РЖТ
18.35 «Биз анойи эмасмиз».
19.05 «Муҳаббат замини».
20.05 «Заиф бўғин». Шоу-ўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ – 4.
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «Кун мавзуси».
22.30 «Соккер клуб».
22.50 Кинематограф. «Кадрил». Бадиий фильм.
00.05 **«Ахборот» (рус тилида)**

Жума, 8

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Чортоқ». Премьера.
9.10 «Олтин мерос».
9.40 «Бугуннинг гапи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Йиллар ва йўллар».
10.30 «Қора ўқ». Бадиий фильм.
12.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Хоразм вилояти.
12.25 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
13.15 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал. 65-қисм.
13.40 «Ёшлик шиддати». Спорт дастури.
14.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
14.35 **Кундузги сеанс:** «Иф қалъасининг маҳбуси». 3-қисм.
16.05 «Руҳият манзаралари».
16.40 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
17.05 «Билим-ринг».
17.45 Мультфильм.
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Бир жуфт қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Куйла, ёшлигим».
21.30 «Спорт, спорт, спорт».
21.45 Ўзбекистон» каналида илк маротаба. «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Олтин бешик».
22.50 «Иш билганга - минг танга».
23.35 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Ака-ука Гримм эртаклари» Мультсериал. 16-қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Эсмералда». Телесериал.
10.45 Ўйна, болажон ўйна.
11.00 «Қутлуғ қадамлар». Таҳлилий-публицистик фильм.
11.30 Ватан ҳақида қўшиқлар.
11.40 Ёшлар овози.
12.00 Одамлар орасида.
12.20 Монте-Карлодаги жаҳон цирк фестивали.
13.10 Бегойим.
13.40 Интерфутбол.
15.15 «Ғазал соғинчи». Алишер Навоий.
15.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.25 Очун.
16.55 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал 17-қисм.
17.40 Қўли гул уста.
18.00 Ёшлар кўйлайди.
18.10 Автосалтанат.
18.25 Ёшлар овози.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-news.
19.35 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Аср киёфаси.
20.20 Навоийни тинглаб.
20.40 «Эсмералда». Телесериал.
21.10 Аскар мактублари.
21.30 Илдиз ва япроқ. Навоийшунос олим А. Ҳайитметов билан суҳбат.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 Оқшом ёғдулари.
00.15 «Давр». Ахборот дастури.
00.30 «Икки минг йилдан сўнг». Ҳужжатли сериал.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани: «Денгиз итлари». 13-қисм (якунловчи)
18.25 Мультфильм.
18.30, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВ-да сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».
19.10 «Тап тортмаслар». Ҳужжатли фильм. 10-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.20 ТТВ-да сериал: «Бебилиска пуллар».
21.40 «Хайрли оқшом».
22.40 Кинонигоҳ. «Гулливернинг саёҳати». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал

РЖТ **7.30 - 9.00**
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёрқин юлдузи». Сериал.
18.15 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.25 «Хива». Телефильм.
18.35 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўлчов».
РЖТ
19.00 «Муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
ЎзТВ – IV
21.35 «Қалб қанотлари» Сериал.
22.15 «Дурдаршан».
22.40 Кинонинг олтин асри: Р. Чемберлен «Уч мушкетёр»
00.10 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 9

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Дўппи».
9.05, 10.55 ТВ-метео.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.30 «Сеҳрли чироқ». Мультфильм.
11.00 «Спорт, спорт, спорт».
11.15 «Маърифат». Телеальманах.
11.40 «Олтин бешик».
12.15 **ТВ-театр:** А. Навоий. «Искандар». Спектакль.
13.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
14.00 «Қувноқ шаҳарча».
14.25 «Алишер Навоий». Ҳужжатли фильм.
15.15 «Нафосат гулшани».
15.40 «Болаликнинг мовий осмони».
16.00 «Ягона оилада».
16.35 «Қушча». Бадиий фильм.
17.45 «Куйла, ёшлигим».
18.10 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
18.35 «Рангин дунё».
18.55 «Пазандалик сирлари»
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Наво топди, Навоий». А.Навоий таваллуд кунига.
22.40 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду» дам олиш кино дастури.
23.00 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?».
9.20 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 17-қисм.
9.45 Табобат оламида.
10.05 Навоийни тинглаб.
10.20 Ёшлар овози.
10.40 «Эсмералда». Телесериал.
11.05 Аср киёфаси.
11.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.10 Хандалак
12.30 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.00 «Жуманжи». Бадиий фильм.
15.40 Мусиқий лаҳзалар.
15.50 «Рамаяна». Телесериал.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
16.50 Мультфильм.
17.10 Бола тилидан.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 «Темурнома». «Бу даргоҳ ўлгай гулшану боғ».
18.20 «Футбол плюс...».
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Каталог.
19.40 Давр-интервью.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ёшлар овози.
20.35 «Полиция комиссари». Телесериал.
21.20 Кутилмаган меҳмон.
21.40 Олтин мерос. Алишер Навоий ғазалларга басталанган мумтоз қўшиқлар.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Шоҳдор тулпор саёҳати»Бадиий фильм. 1-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 Мультчархпалак.
17.40 Болажонлар экрани. «Қизил гул».
18.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
18.40, 20.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.55 «Саломатлик маскани».
19.10 «Жаҳон географияси».
19.55 «Мисли гавҳар».
20.25 «Ташриф».
20.45 «Бебилиска пуллар».
21.35 «Мусиқий лаҳзалар».
21.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». 51-кўй (якунловчи)
22.40 Кинонигоҳ. «Гулливернинг саёҳати». 2-қисм.

«Халқаро» телеканал

9.05 «Дурдаршан».
9.30 «Соккер клуб».
9.50 «Мульттомоша».
РЖТ
10.10 Кулгу панорамаси.
10.45 «Лаззат».
11.05 «CFI янгиликлари».
11.15 «Инглиз тили Сиз учун».
11.40 **Дўстлик видеоканали: «Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».**
12.40-13.10 «Немис тили».
ЎзТВ – IV.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
РЖТ
17.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
ЎзТВ – IV.
18.30 «Бинафша».
18.55 CFI тақдим этади: «Сирелла». Балет.
19.35 «Автострада».
РЖТ
19.55 «Сўнгги қаҳрамон»
21.00 «Время».
ЎзТВ-IV
21.30 «Ассалом, Франция!»
21.45 «7дан 70 гача».
22.20 «Кинопрофи».
22.40 Кинематограф. «Замонлар узра саёҳат». Бадиий фильм.
00.20 Ахборот (рус тилида)

Якшанба, 10

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
9.15 «Ғаройибот».
9.30 Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
11.55 Сиртқи телевизион олимпиада.
12.20 «Навоий наволари».
12.50 Телевизион миниатюралар театри.
13.30 «Пазандалик сирлари».
13.40 ТВ-1 кинотеатри: «Сабрина». 1-қисм.
14.40 «Уйла, Изла, Топ!»
15.20 «Сабрина». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.20 «Бу ажиб фасл».
16.40 «Қалб гавҳари».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
17.30 «Аския».
18.00 «Олтин тож».
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Яккама-якка жанг».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Шунчаки ҳазил».
22.05 «Келин-куёв». Телешоу.
Якшанба кинозали:
23.10 «Кино оламида».
23.40 «Дўст кулфатда билинади». Бадиий фильм.

«Ёшлар» телеканали

8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг танишайлик».
9,20 «Дороти оз мамлакатида» Мультфильм.
9.45 «Футбол плюс...»
10,05 Давр-интервью.
10,20 Ёшлар овози.
10.40 Зинама-зина.
11,10 Болалар экрани. «Катта олма шаҳридаги. мусобақа».
11.45 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон.
2. Аскар мактублари.
12.25 Очил дастурхон.
12.40 «Полиция комиссари». Телесериал.
13.30 Ёшлар куйлайди.
13.45 Чемпион сирлари.
14.05 Интерфутбол.
15.40 Спорт ҳафтаномаси.
15.55 «Рамаяна». Телесериал.
16.30 Мусиқий лаҳзалар.
16.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.55 «Илдиз ва япроқ». Навоийшунос олим А. Ҳайитметов билан суҳбат.
17.15 Олтин мерос. Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар.
17.30 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси!»
17.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»- news.
19.20 Якшанбада кўришгунча.
19.35 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Фармонов куйлайди.
20.00 «Полиция комиссари».
20.50 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Шоҳдор тулпор саёҳати». Бадиий фильм. 2-қисм.

«Тошкент» телеканали

17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
17.50 Болажонлар экрани. «Шчелкунчик». Мультфильм.
18.15 «ТВ плюс».
18.40, 19.25, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.55 «Телефакт».
19.05 «Радиус 21».
19.40 «Спорт-тайм».
20.00 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Мусиқий лаҳзалар».
21.10 «Жаҳон географияси».
22.10 «Фириб-гарлар».

«Халқаро» телеканал

9.05 «Кайфият».
РЖТ
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
ЎзТВ – IV.
11.05 Болалар соати: «Каспер-2». Бадиий фильм.
12.35 «Парле ву франсэ?»
13.00 FCN»Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
13.10 «До-ми-соль шоу».
13.50-14.50 **«Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар»,**
ЎзТВ – IV.
17.35 «Билишни истайман». Болалар учун дастур.
18.00 «Британия кундалиги».
18.20 «Мюзик холл».
РЖТ
18.45 XIX қишки Олимпия ўйинларида. Муз устида учиш. Жуфтликлар иштирокидаги қисқа дастур.
20.20 «Юра даври сирлари».
21.00 «Етти кун».
21.25 «Тенгдошлар».
21.55 «Оҳанрабо». Мусиқий дастур.
22.35 Кинематограф. «Эдвард...» Бадиий фильм.
00.10 «Таҳлилнома».

ЎЙИН ЎҚУВЧИНИ ФАОЛЛАШТИРАДИ

Ўйинларга қутилмаган янги ҳаракатларни киритиш болалар учун доимо завқли бўлади. Ўйин олдидан болалар завқланади ва бу уларда ижобий ҳис-ҳаяжонни уйғотади. Шу сабабли жисмоний тарбия дарсларида ўйинлар қўллаш ижобий ҳодисадир. Ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси режага асосланиб ва мунтазам равишда ўз соатларида турли ўйинларни қўллашлари даркор.

Ўйин усулида ўтказиладиган жисмоний машқларнинг афзаллиғини ҳамма яхши билади. Ўйиннинг ўзига хос услубини ўқитувчи танлайди. У гимнастика, волейбол, баскетбол каби спорт турлари, туризм машғулотлари бўлиши мумкин. Машғулот давомида ўқувчиларнинг эпчиллиги, чақконлиги, тезкорликлари намоён бўлади. Жисмоний машқлардан фойдаланиш ҳар хил талаб ва шароитга боғлиқ. Кўпинча болаларга шундай вазифа берилади: ким боғланган кўз билан машқни яхши бажаради, ким дарахтга осиб қўйилган коптокка сакраб, қўлини теккизади. Ана шундай ўйинлар ўзига хослиги билан ўқувчиларни кўпроқ дарсга жалб қилади. Ўқитувчи дарсларида ўйин усулини қўллаши билан ўқувчиларга яқинроқ бўлади ва бунинг натижасида биз кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин. Ўйин пайтида жисмоний, ахлоқий ёки маънавий муаммолар ҳал этилади. Ҳаракатли ўйинда доимо топшириқ бажарилмаслиги мумкин. Шундай бўлса-да, жамоа ёки гуруҳ бўлиб ўзаро муносабатларга киришишни ўқувчилар ўрганишади. Тажрибали жисмоний тарбия ўқитувчилари ўйин усулидан дарсда ва дарсдан ташқари вақтда, спорт тадбирларини ўтказишда кенг фойдаланади. Шу туфайли ўқувчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқиши ортади. Натижада жисмоний тарбия фанидан қўйилган давлат таълим стандартлари талаблари муваффақиятли бажарилади. Бундан ташқари, ҳаракатли ўйинлар ўқувчиларни қизиқтиради ва шу тариқа дарс ривожланиб боради.

Ўйинни яхши педагогик даражада ўтказиш учун болаларнинг қизиқишини, уларнинг жисмоний имкониятларини, психологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим.

Кичик мактаб ёшидаги (1—4-синф) болаларнинг нафас олиш системаси ва юрак-қон томирининг ривожланиши узига хос бўлади. Бу, ўйинни бирмунча жадаллик ёки тезлик билан ўтказишга имкон беради. Бироқ, болалар тез чарчайди. Уларнинг диққат-эътибори ўзгарувчан бўлади. Бу ёшдаги болалар билан югуришга оид — "Петна қилиш", "Кун ва тун", "Сонларни чақириш", "Оқ теракми, кўк терак" каби ўйинларни ўтказиш мумкин. Ўқувчиларнинг шу ёшида предметларни жонли идрок қилиши кузатилади. "Бўри зовурда", "Қуёнлар полизга тушди", "Отиб қочар", "Қоровул ва лайчалар" каби ўйинлар кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган. Ўйин ҳаракат тажрибасини бойитишга ва такомиллаштиришга ёрдам беради. Югуриш, сакраш, чалғитиш, нишонга ва узоққа улоқтириш билан ўйналадиган ўйинлар ҳаракатнинг бош мазмунидир.

Энг муҳими, болаларда шу ёшда ижтимоий хулқ малакаси шакллана бошлайди. Жамоадаги умумий таркибга ва ўз ўрнига эга бўлиш учун курашиш, биргаликда ҳаракат қилишга қизиқиш шу ёшда ортади. (Ўқитувчилар дарс давомида "Ҳамма ўз байроқчасига", "Космонавтлар", "Ҳамма ўз жойига" каби ўйинлардан фойдаланишлари ҳам мумкин).

Ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларда (5—6-синфлар) ўсиб келаётган организмнинг барқарорлигини сақлаш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Бу пайтда ўғил болалар қиз болалар олдида тез югуришда, аниқ нишонга ва узоққа отишда айрим устунликка эгалар. Шунинг учун бир қатор ўйинларда қизлар яккалик баҳсларида ўғил болалар билан бирга қатнаша олмайдилар. Уларни кўпроқ ритмик ҳаракат, мувозанат сақлаш ўйинлари ўзига жалб қилади. Жамоа таркибидаги ўйинларнинг кўп қисмида ўғил ва қиз болалар биргаликда қатнашадилар.

Мактабнинг ўрта ёшдаги ўқувчилари учун ҳаракатли ўйинлар рамзий аҳамиятга эга. Улар ўйинларнинг шартлилигини тушунади. Шунинг учун тўла унум ва тегишли қоида асосида ҳаракат қилади. Ўқувчилар 10-12 ёшда мураккаб ҳаракатли вазифаларни бажаришга қизиқадилар. Айниқса, футбол, баскетбол ўйинларининг техник усулларини бажарадилар. Бу ёшда болаларда ирода шаклланади ва мустаҳкамланади, яъни ботирлик, мустақиллик, қатъиятлилик ва ташаббускорлик сифатлари намоён бўлади. Болалар ўйиннинг бир неча ҳолатига диққат-эътибор қаратишлари мумкин. Ўйинни ташкил этиш билан бирга ўқитувчи ўқувчиларни мустақилликка ҳам ўргатади. Кўпинча ўзларига онабоши танлаш, жамоага тақсимлаш, ўйинда ҳаракат режасини белгилаш ҳуқуқи берилади.

Шуни унутмаслик керакки, болалар интизомлиликни, дадилликни, фаоллик ва ўзини тута билиш, жасурлик ва эҳтиёткорликни ҳар доим ҳам тўғри баҳолай олмайди. Ҳаракатли ўйинларда катта жисмоний ва психологик оғирлик кўпинча бирдан "лов" этиб кўринади. Ўқувчилар бу пайтда ортиқча ҳис-ҳаяжонга тушмасликлари керак.

Ўсмирлик ёши (7—8-синфлар) ўзгарувчан ёш деб аталади. 13-15 ёшли болалар организмида кучли ривожланиш кузатилади. Суяк системаси тез ривожланади (айниқса найсимон суяк), ўғил болаларда шунинг ҳисобига бўй чўзилади. Мушак системаси ҳам ривожланишни давом эттиради (мушакнинг оғирлиги ва унинг кучи ошади), у барибир гавданинг умумий ривожланишидан орқада қолади.

Ана шу ёшдаги ўғил болаларни, айниқса, кураш элементлари билан ўйналадиган ўйинлар ўзига тортади. "Доира ичидан туртиб чиқариш", "Хўрозлар жанги" каби ўйинлар шулар жумласидандир. Бу ёшда жисмоний чарчоқдан кейин асаб системаси нисбатан тез тикланади. Юрак-қон системаси узлуксиз давом этадиган ҳаракатга яхши мослашади.

Ақлий фаолиятнинг мураккаблашиши, ёш ва ўқув шароитлари хулқнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Ўйин катта мустақилликка, мантиқий фикрлашни намоён этишга имкон беради. Одатда ўсмирлар спорт мусобақаларида ва ҳаракатли ўйинларда қатнашиш тажрибасига эга бўладилар. Улар аввал ҳаракат маҳорати ва малакасидан, янги комбинацияларни бирга қўшиб олиб боришдан фойдалана оладилар. Ўйин қатнашчилари яккалик баҳсларида ўзаро курашсалар, жамоа баҳсларида ўз ғалабасини таъминлаш учун курашадилар. Бу ёшда бурч, жамоатчилик ва ўртоқлик туйғуси фаол ривожланади.

14—15 ёшга бориб болаларда ўзаро мослик, тежамлилик ва аниқ ҳаракатнинг яхшиланиши кузатилади. Шунинг учун ўйинда чаққонлик, тезкорликка кўпроқ урин ажратилади.

Шундай қилиб, 7—8-синфда ҳаракатли ўйинларнинг энг асосий мазмунини тўп, сакраш, тирмашиб чиқиш, ошиб ўтиш, нишонга улоқтириш, куч қаршилиги, турган жойни аниқлаш ташкил этади. Ўйин қоидалари кўпроқ мураккаб бўлади, у ўйиндаги келишмовчиликларни ҳал этишда иштирокчилардан ирода ва тўғри фикрлашни талаб этади.

Спорт ўйинларида бўлгани каби, ҳаракатли ўйинларда ҳам айрим гуруҳ ёки ўйинчилар учун кўпинча алоҳида вазифалар (жамоа сардори, ҳужумчи, ҳимоячи ва бошқалар) берилади.

Усмир ёшида характер шаклланиб боради. Шу билан бирга организмдаги физиологик жараёнлар нерв системаси фаолиятини қийинлаштиради. Бу кўпинча вазминликнинг бузилишида кўринади. Ҳис-ҳаяжон ва нафсониятни кучайтиради. Шунинг учун ўқитувчилар ўйинни нафақат талабчанлик, балки хушмуомалалик, вазминлик билан ҳам олиб бориши керак.

9—10-синф ўқувчилари (15—17 ёш) билан ишлашда олдинги ёш гуруҳлари учун берилган ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ, уларнинг у ёки бу техник усулларни аниқ бажаришлари учун талабларни ошириш ва ўйинларни мураккаблаштириш керак.

Юқори синф ўқувчилари учун кенг қамровда ўйналадиган ва ҳарбий-амалий характердаги ўйин машқлари, шунингдек, сюжет-тўқнашув характеридаги барча ўйин шаклларини тавсия этиш мумкин.

Фахриддин ХЎЖАЕВ,
А.Авлоний номидаги ПХҚТМОМИ ўқитувчиси

ФАРҒОНА БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК КЎРАЯПТИ

"Умид ниҳоллари" спорт байрамининг республика босқичи Фарғонада ўтказиладиган бўлди. Ва бу хабар фарғоналик спортчи ўғил-қизларга шодлик ато этди ҳамда ўз навбатида уларга масъулият юклади. Улар бугунги кунда мусобақаларга қизғин ҳозирлик кўришяпти. Спортнинг футбол, волейбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича вилоят босқичи беллашувлари Фарғона туманидаги 3 та билим даргоҳида ҳамда 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида олиб борилди. Унда Фарғона ҳудуди ғолиблари мусобақанинг республика босқичига кўтарилиш учун ўзаро куч синашдилар.

Ўйинда кимнингдир устунлиги аниқланади. Бу — бор гап. Аммо мазкур мусобақалар тажриба ошириш мактаби, юқори савиядаги тайёргарлик вазифасини ўтади десак, муболаға бўлмас.

Шу ўринда амалга оширилаётган яна бир ибратли юмушни айтиб ўтмоқ жоиз. "Умид ниҳоллари"нинг республика босқичи Бешариқ туманидаги "Ёшларобод" ўйингоҳида ҳам олиб борилади. Ҳозирда ўйингоҳни тадбирга тайёрлаш бўйича гуруҳ тузилди. Режага кўра, ўйингоҳ, мусобақа ўтказиш учун ҳар жиҳатдан қулай, шинам, кўркам, жаҳон андозалари даражасида бўлиши керак. Айни вақтда майдонда қиш мавсуми бўлишига қарамай, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Эндиликда, майдонга кираверишдаги қарийб 2 км масофа ўртасида йўлак қурилиб, унинг атрофига кунлар исиши билан гуллар экилади. Бу каби бунёдкорлик ишлари асосан тумандаги қатор корхона ва хўжаликлар ҳомийлигида ҳамда ҳашар усулида амалга ошириляпти.

Аваз ҲАЙДАРОВ

Қишнинг изғиринли совуқ кунларида йўл ҳаракати қоидаларини назорат қилувчи йўл патруль хизматчиларига катта масъулият юкланади. Агарда ҳар бир хизматчи шу масъулиятни ҳис қилмас экан, унинг натижаси ўзингизга аён.

Ўз касбининг усталари Алишер Бўстонов ва Юнус Қобиловлар ўз хизмати вақтида. Улар мактаб ўқувчиларига ҳам йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиб келмоқдалар.

Б.Ризоқулов олган сурат.

"Quvnoq startlar"

ХАТОЛАР КЎП БЎЛДИ

XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаларининг учинчи саралаш учрашуви ҳам аввалги ўйинлардаги дастурлар бўйича ўтказилди. Учрашув қатнашчилари — Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 50-мактабнинг "Олимпия" ва Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманидаги 2-мактабнинг "Нефтчи" командаси ўз вилоятларининг ўтган йилги чемпионлари сифатида республика мусобақаларида қатнашиш шарафига муяссар бўлишган.

"Нефтчи" командаси вилоят мусобақаси финал учрашувида Ғиждувон тумани командасини мағлуб этганлигини, "Олимпия" командаси эса Усмон Юсупов тумани командаси устидан ғолиб чиққанлигини айтишди. Ҳар иккала мактабда ҳам жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилаётгани, спорт базасини мустаҳкамлаш педагогик жамоа эътиборида эканлиги ҳақида маълумотлар олдик.

Республика саралаш мусобақасида ҳар икки жамоа аъзолари ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилишди. Дастурнинг биринчи ўйинида ("Биринчи синов") 6 ўғил ва 6 қиз тешик қанор қопдан чиқиб, марра чизиғини босиб ўтишда кўп хатоларга йўл қўйишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари бу хатоларни ҳисобга олиб, ўйинга дуранг баҳо (2:2) беришди. Иккинчи ўйинда ("Тўп саватда") ҳам ғолиб чиққан "Олимпия" командасидан бир очко олиб ташланди ва 2:1 натижа қайд этилди. Учинчи мусобақада ("Ўрин алмашиш") кўпол хатоларга йўл қўйилгани учун учрашув қайта ўтказилди ва бунда "Олимпия" командаси ғолиб чиқиб, 3 очко олди. Мусобақа дастуридаги ўйинларни шарҳлаб ўтирмай, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ҳар икки команда ҳам бир-бирига муносиблигини кўрсатди. Бунда шошқалоқлик ва руҳий тайёргарликнинг етишмаслиги панд берди. Учрашувдаги 5 та ўйинда "Олимпия" командаси қўли баланд келди. 2 та ўйиндан ва 2 та конкурс беллашувида "Нефтчи" командаси ғалаба қозонди. Учта ўйин ва 1 та конкурс мусобақасида дуранг натижага эришилди. Учрашувда 24:20 ҳисобида "Олимпия" командаси ғалаба қозониб, кейинги саралаш мусобақаларига йўлланмани нақд қилиб қўйди.

Ғ.МАННОПОВ

Очиғини айтиб қўя қолай, талабалик вақтида ҳар бир талаба кўпроқ ўзини ўйлайди. Аммо ҳеч бир талаба ўқиш жараёнида бу даврнинг олтинлигини тўлалигича ҳис қилолмайди.

Hajviya

САМОЛЁТ УЧИБ КЕТДИ

Ҳасан Ҳасанович Москвага бориши шарт бўлиб қолди. Аэропортдан чипта сотиб олди. Самолёт жўнашига ҳали бир соатга яқин вақт бор. Кичкина бир кафега овқатланишга кирди. Овқатланиб чиқиб кетаётиб кўзгу ёнидаги телевизорга ўхшаш нарсага кўзи тушиб қолди. Кичкина тешикчаси ҳам бор. Яқинроқ бориб кўрди. Тешикча тепасига шундай деб ёзилган эди: «50 сўм ташласанг тақдирингни айтиб бераман». Ҳасан Ҳасанович: «Ие, бу жуда қизиқ-ку» дея, 50 сўмликни ҳалиги тешикка ташлаб юборди. Карнайдан овоз келди: — Сен ҳозир тўппа-тўғри Москвага кетяпсан. Самолётга чипта олиб қўйдинг. 100 сўм ташла. Қолганини ҳам айтаман.

Ҳасан Ҳасанович 100 сўм ташлади.

— Москвада сени эъзозлаб кутиб олишади. Таксига миндириб, Москвани томоша қилдиришади. 200 сўм ташла. Сени Москвада фирмага директор қилиб тайинлашади. Сен янги лавозимда иш бошлайсан. 500 сўм ташла. Сенинг шахсий «Лимузин» машинанг бўлади. Тўрт хонали, юмшоқ мебелли уйинг бўлади. 1000 сўм ташла. Сени чиройли бир қизга уйлантириб қўйишади. Сен ундан қўчқордек ўғил кўрасан. Бахтли ҳаёт кечирасан. 2000 сўм ташла. Энг муҳими қолди.

Ҳасан Ҳасанович чўнтакларини пайпаслаб кўра бошлади. Чўнтагидаги пуллар тугабди. Қолган пуллар эса юкхонадаги чемоданда.

— Пулим қолмабди, — деди айбдордек ҳалиги тешикчага.

— 1500 ҳам бўлаверади.

— Пулим қолмади, деяпман-ку.

— 1000 сўм ҳам бўлаверади.

— Уфф, пулим йўқ, — деди Ҳасан Ҳасанович.

— Ҳа, майли буёғини дўстлашиб қолганимиз ҳурматига айтаман. Сен мен билан гаплашиб турган пайтда самолётинг Москвага учиб кетди.

УМАРИЙ

“ФАН“ БОШҚОТИРМАСИ



Бўйига: 1. Дин, шариат қонунлари ҳақидаги фан. 2. Ички ёнув двигателини кашф қилган немис инженери. 4. Кимёвий элемент. 5. Республикамиздаги нашриётлардан бири. 6. Шеърий жанр. 7. Спорт тури. 11. Ер ости қатламларини текширишда қўлланиладиган металл бурғи. 12. Ўқув қуроли. 13. Ором, ҳордиқ. 16. Миллат. 17. Шоир Ҳамид Олимжоннинг биринчи шеърлар тўплами. 18. Сирдарё ирмоғи. 20. Сунъий тола. 21. Географик билимларнинг асосий манбаи. 23. Юз, бет, кўриниш. 26. Кон. 27. Тинчлик, осудалик. 28. Хитой мамлакатидаги вилоят. 29. Шохмот донаси. 31. XIV асрда яшаган ўзбек шоири, машҳур “Юсуф ва Зулайҳо“ достонининг муаллифи. 35. Хона ўсимлиги. 36. “Самарқанд марвариди“ деган номга сазовор бўлган тарихий меъморий ёдгорлик. 39. Денгиз. 40. Фан, дарслик. 45. Буюк ҳаким туғилган қишлоқ. 47. Усмон Носир достони. 48. Жанубий Африка республикасидаги орол. 50. Вектор физик катталик. 51. Мол-мулк сотиб олганлик ҳақидаги расмий ҳужжат. 52. Ҳашарот. 54. Мўйнали кемирувчи жонивор. 55. Кимёвий элемент. 56. “Оқ кийимлилар“ қўзғолончиларининг қўрғонига айланган қалъа. 57. Хонликда тунги шаҳар соқчиси. 64. Фан, маданиятнинг ҳар бир тармоғи. 62. Арузда 19 гуруҳнинг ҳар бири. 63. Ёғин. 65. Шеърият. 69. Боязид ва Амир Темур қўшинлари ўртасидаги сўнгги хал қилувчи жанг. 70. Яқин Шарқдаги дарё. 73. Ҳижрий қамарий йил ҳисобидаги муҳаррам ойининг иккинчи номи. 76. Гулдон. 78. Денгиз жонивори. 80. Қадимги Юнон афсонасига номдош кичик сайёра.

Энига: 3. Араб алифбосидаги ҳарф. 5. Наманган вилоятидаги туман. 8. Китобни қўйиб ўқишда фойдаланилган мослама. 9. Кумуш тола. 10. Учта кислород атомидан ташкил топган молекула. 12. Илк Ўрта асрларда қасрга кўтариладиган кўтарма йўл. 14. Кишининг ўзига хос табиати. 15. Жанубий Америкадаги икки бошли дарё. 19. Мусиқа асбоби. 22. Тутган еридан кесади (ибора). 23. Узоқ вақт ҳисоблаб бориладиган сана тизими. 24. Мучал ҳисоби бўйича йўлбарснинг иккинчи номи. 26. Вьетнам пул бирлиги. 30. Англия футбол жамоаси. 32. С.Зуннунова поэмаси. 33. Суғориш тармоқлари ҳақидаги фан. 34. Эриган тоғ жинси. 37. Саноқ сон. 38. Кураш бўйича ўзбек полвонларидан бирининг исми. 41. Қуёш. 42. Бўйи 30 метрли чиройли дарахт. 43. Республикамиздаги кенжа вилоят. 44. Ҳарбий техника. 45. Оддий халқ оммаси. 46. Камон ўқи ва найзанинг учидаги ўткир темир. 48. Шеърий жанр. 49. Медицина ашёси. 53. Сайёра. 55. Кимёвий элемент. 58. Ғоят улкан, юксак. 59. Халқ ва элатларнинг келиб чиқиши. 60. Пойтахти Бамако шаҳри бўлган давлат. 61. Шамсия йил ҳисоби ойларидан бири. 64. Матбуот нашрларидаги туркум сарлавҳа. 66. Моддаларнинг таркибини анча оддий қилиб, бўлиб аниқлаш усули. 67. Италия ёзувчиси. 68. XVI аср ўзбек мумтоз адабиётининг таниқли намояндаларидан бири. 71. Шеърий вазн. 72. Минглик аскарий бўлинма. 74. Табобатимиз гавҳари ҳисобланган қуруқ мева. 75. Юлдуз. 77. Жаҳолат. 79. А.Қаҳҳорнинг “Синчалак“ повестидаги қаҳрамон аёл образи. 80. Тасдиқ. 81. Фойдали қазилма. 82. Мактуб.

МУАММОНОМА:

Бошқотирма тўғри ҳал этилгач, жавоб сўзларининг бош ҳарфини олиб, берилган рақамлар ўрнига тартиб билан ёзиб чиқилса, Президентимиз Ислом Каримовнинг фарзандларимиз ҳақида айтган илиқ сўзларини билиб оласиз.

6; 18; 64; 77; 35; 43; 31; 8; 32; 48; 3; 57; 4; 11.
62; 33; 11; 26; 58; 20
17; 22; 64; 18
42; 39; 5; 34; 80
7; 4; 8; 4; 78; 34; 4
26; 2; 82; 10
76; 16
73; 30; 49; 18; 40; 50; 45
62; 45; 72; 23; 34; 80
62; 22; 8; 4; 28; 34; 32; 81; 4
36; 69; 64; 23
70; 61; 30; 10; 14
55; 69; 64; 4; 57; 2; 76

Тузувчи: Баҳодир ИСМОИЛОВ, Касби тумани, 48-мактаб



Валижон Шамшиев 1975 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилган. Мактабни олтин медал билан тугатиб, санъат олийгоҳига ўқишга кирган. Шундан буён одамларни кулдиришга астойдил бел боғлаган. Ўзининг айтишича, бунинг уддасидан чиқмоқда.

Валижон ШАМШИЕВ

КУЛГАН КИШИ «ТУХУМ» ЮТАДИ

— Талабалик олтин давр дейишади. Нега шундай?

— Чунки, талабалик инсон хотирасида ўзининг ажойиб саргузаштлари билан, қизиқ-қизиқ ҳангомалари билан муҳрланиб қолади. Бу давр инсонни камолотга етаклайди, келажак ҳақида ўйлашга мажбур қилади, мустақил яшашга ўргатади. Очиғини айтиб қўя қолай, талабалик вақтида ҳар бир йигит-қиз кўпроқ ўзини ўйлайди. Аммо ҳеч бир талаба ўқиш жараёнида бу даврнинг олтинлигини тўлалигича ҳис қилолмайди. Ўқишни битириб, ишли, уйли-жойли бўлгандан кейин бир куни ортига қараб ҳаётидаги энг ажиб фасл талабалик эканлигини англаб етади...

— Сизда санъатга меҳр уйғотган киши ким?

— Биласизми, бу савол ким эмас, нима деб берилса тўғри бўларди, деб ўйлайман. Ҳаётда содир бўлган бирорта фожеа ҳам нимагадир туртки бўлиши мумкин экан. Худо раҳмат қилсин, акам бўларди, доим бирга юрардик. Шу кишини ўз синфдошлари қасддан сувга чўктириб ҳалок қилган. Шундан сўнг акам эсимга тушса қаттиқ йиғлайдиган бўлиб қолгандим. Бу ҳолат юрагимга ҳам таъсирини ўтказган экан. Шифокорлар отаонамга кўпроқ кулиши керак, дея маслаҳат беришди. Мана шу ҳодиса туртки бўлиб санъатга кириб қолдим.

—Билишимча каратэ билан ҳам шуғулланасиз...

— Ҳа. Лекин узлуксиз эмас. Бўш вақтларимда ўзимни бутунлай каратэга бағишлайман. Бу соҳадаги устозим каратэ бўйича 5-дан қора белбоғ соҳиби Хўжамқул Хўжақулов. Баъзан бўшашиб ҳам қоламан, аммо устозим туфайли яна ҳаммаси жойига тушиб кетади.

— Мактабдаги биринчи ўқитувчиларингизни ҳам эслаб ўтсангиз.

— Бизга биринчи синфда Моҳира опа деган меҳрибон аёл устозлик қилган. Иккинчи синфда эса Мукамбар опа деган муаллима сабоқ берган. Жуда шўх ўқувчи эдим. Гоҳо уларнинг кўнглини ҳам оғритгандирман. Бироқ улар мендан хафа бўлмаса керак. Илойим омон бўлишсин. Шу даражага етишишимизда уларнинг ўрни беқиёс. Айниқса адабиёт муаллимимиз Ҳайдарали ака Тўхтасиновдан жуда розиман. Андижонга борсам, албатта улар билан бир учрашиб келаман...

— Кўпчилик билмаса керак, шеър ҳам ёзиб туришингизни. “Севги фазоси“ деб номланган шеърингизни эса Самандар Ҳамроқулов қўшиқ ҳам қилди.

— Ҳа-ҳа. У шеърни саккизинчи синфда ёзган эдим. Ҳозир ҳам қоғоз қоралаб тураман. Умуман, адабиёт мен учун бегона эмас...

— Қандай характердаги одамни қадрлайсиз?

— Ҳаётга жиддий кўз билан қарайдиган одамни қадрлайман. Театр соҳасида одамлар тўрт тоифага бўлинади. Булар хушчақчақ, жаҳлдор, қўрқоқ, тебса-тебранмас. Аммо бу тўртови ичидан хушчақчақ барибир енгиб чиқади. Менимча ҳаётда ҳам кулган енгади.

— Теша тегмаган латифаларингиздан бизга ҳам улашмайсизми?

— Бажонидил.

Биттаси дўхтирнинг олдига келиб:

— Дўхтир, биласизми мен бир касалликка дучор бўлиб қолдим, — деса,

— Қанақа касал, — деб сўрабди дўхтир.

— Нимайди. Анави, касалимни оти эсимдан чиқиб қолди. Ҳалиги, одамлар эсидан чиқариб қўядию, — деса, дўхтир:

— Ҳм-м қарзмисиз, — дермиш.

Суҳбатдош: Абдулҳамид Абдуаҳад ўғли

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-134.
Тиражи 28684 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Ботиржон ҒОФУРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00